

Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

6/2023

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтияр ИСЛАМОВ
Робахон МАХМУДОВА
Ҳалилillo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Замира ЭСАНОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан
босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача
бўлиши мумкин.

Қўлёзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва
кайтирилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» —
«Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Ва-
зирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий ат-
тестация комиссияси Раёсатининг 2013
йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори би-
лан докторлик диссертациялари бўйича
илмий мақолалар чоп этиладиган нашр-
лар рўйхатига киритилган.

2021 йил 27 июлда Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий комму-
никациялар агентлигида 0026-рақам би-
лан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа
бошлаган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен»
республика танловида «Энг яхши ёри-
тилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бў-
йича ғолиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: (71) 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

E-mail: odilsudlov.oliy@sud.uz
Веб-сайт: www.odilsudlov.sud.uz
Telegram: https://t.me/ODsud

Босишга 2023 йил 16 июнда рухсат этил-
ди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма та-
боқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал
таҳририят компютерида терилди ва саҳи-
фаланди. Буюртма — 7.

Нашр адади 4500 нусха.

Навбатчи муҳаррир
Муталиф СОДИҚОВ

НАШР ИНДЕКСИ — 909

Сотувда келишилган нархда

«ATLAS PRINT MEDIA» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани, Дархон,
Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНОСАБАТ

Ж. Балкибаева, К. Давлетова. Конституциявий назоратнинг ўзига хос хусусиятлари...3

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ

М. Зиядуллаев. Янги Конституция ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий пойдевори: пенсия таъминотининг конституциявий кафолати7

ЖАРАЁН

Б. Қобулов. Судга қадар иш юритувида шахс ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини ошириш 12

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

А. Зуфаров. Контрабанда учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар: хорижий тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари..... 19

МЕЗОН

Х. Кучкаров. Жиноят ишларини юқори инстанция судларида қайта кўришнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти..... 24

СОЛИҚ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

А. Ҳамраева. Солиқ соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар..... 31

МУНОСАБАТ

А. Анорбоев. Кибержиноятнинг ҳуқуқий тавсифи...37

БОЛА ҲУҚУҚИ

Д. Алмосова. Болани фарзандликка олишнинг айрим ҳуқуқий жиҳатлари.....45

КЎЧМАС МУЛК ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

Г. Мамараимова. Курилиш ва архитектура қоидаларини бузиб, кўчмас мулк қурганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик..... 48

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТотека ЮРИСТА.....79



КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Демократик жамият ва ҳукуқий давлатнинг мавжудлиги ва фаолиятининг асосий тамойили Конституциянинг устунлиги ҳисобланиб, у айна пайтда мамлакат ҳудудида ва барча ҳуқуқ субъектларига нисбатан бевосита амал қилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур. Бу эса, пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, кадр-қиммати, мол-мулкнинг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради».

Конституциявий назорат конституциявий суд ишларини юритишнинг алоҳида тури сифатида ваколатли орган томонидан қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш ва баҳолашдан иборат бўлиб, шу орқали Бош қонуннинг устуворлигини, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Конституция нормалари ҳамда қоидаларига риоя этилиши таъминланади. Бунинг натижасида конституциявий

мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатланади.

Турли мамлакатларда конституциявий назорат турли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Америка модели амал қиладиган АҚШ, Канада ва бошқа қатор мамлакатларда конституциявий назорат умумий суд тизими (масалан, АҚШда Олий суд) томонидан амалга оширилади. Судлар суд ишини кўриб чиқиш муносабати билан қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани қўйиши мумкин.

Европанинг аксарият давлатлари ва МДХ давлатларида Ўзбекистонга ўхшаш конституциявий назорат махсус Конституциявий суд (Австрия, Германия, Россия ва бошқа) зиммасидаги вазифа ҳисобланади.

Конституциявий судни ташкил этиш ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси конституциявий суди тўғрисида»ги конституциявий қонун ҳисобланади.

Конституцияда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради.

Конституциявий суд фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига амал қилган ҳолда, ишларни ҳал қилади ва ҳулосалар беради.

Конституциявий суднинг ваколатлари Конституцияда ва «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Конституциявий суди тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 4-моддасида белгиланган.

Шунингдек, Конституция ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги конституциявий қонун нормаларида конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан ўз ваколатига берилган бошқа ишларни ҳам кўриб чиқиши назарда тутилган.

Шунингдек, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 13-моддаси талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқлари ва бошқа ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини белгилайди (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно).

Конституциявий назоратни амалга ошириш ваколатлари Конституциявий судга ўз фаолияти орқали Конституциянинг устунлигини, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги конституциявий тамойилини амалга оширилишини таъминлаш имкониятини беради.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг шикоятлари бўйича муайян ишда қўлланилган қонуннинг конституциявийлигини, унинг Конституцияда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда, Конституциявий суд инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функциясини ҳам амалга оширади.

Конституциявий назорат Конституциявий суд томонидан махсус суд тартибида — конституциявий иш юритиш шаклида амалга оширилиши сабабли бу ишлар

ўз ваколатлари доирасида низо мавжуд бўлганда кўриб чиқилади. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги конституциявий қонунида судга ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси белгилаб қўйилган.

Конституциявий қонуннинг 8-моддасида Конституциявий суд ҳужжатларининг барча давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийлиги белгиланган. Конституциявий суд қарори билан Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми ўз кучини йўқотади. Асосий қонунга зид ҳужжат қабул қилган давлат органи Конституциявий суднинг қарори асосида бир ойдан кечиктирмай ўз ҳужжатини Конституцияга мувофиқлаштириши шарт.

Конституциявий суд давлат ҳокимияти органлари тизимида алоҳида ўрин тутиб, Конституциянинг устуворлигини таъминлашга қаратилган ўзига хос ваколатларга эга.

Қонун олдида тенглик ва қонун устуворлигининг конституциявий принципларини таъминлашда Конституциявий суднинг Конституция ва қонун нормаларини шарҳлаш ваколатига муҳим ўрин берилиши керак. Бу уларни талқин қилишда чексиз ихтиёрийлик имкониятини ва қўллашда эса, бошқача ёндашувни истисно қилади.

Конституциявий қонуннинг 85-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш ҳақидаги мурожаатда Конституцияда ва қонунда

уларнинг амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилишига олиб келган ноаниқликларнинг аниқланганлиги асос бўлади. Конституция ва қонунда уларни қўллашнинг нотўғри ёки зиддиятли амалиётига олиб келган ноаниқликларнинг аргумент ва далиллари мажбурий кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш тўғрисидаги мурожаатга қонун томонидан қўйиладиган талаб ҳисобланади.

Бундай мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича қонун ва Конституциявий суд актига муайян талаблар қўйилади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш жараёнида нормаларни конкретлаштиришга қаратилган ўзгартиш, тузатиш, қўшимчалар кириштишга йўл қўйилмайди.

2021 йил апрелда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги янги конституциявий қонун кучга кириши билан конституциявий назоратни ривожлантиришнинг янги босқичи қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади.

Биринчидан, Конституциявий суднинг ваколатлари кенгайтирилди ва Конституциявий суд амалиётига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланишидан олдин конституциявий қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг конституцияга мувофиқлигини аниқлашни назарда тутувчи дастлабки назорат институти жорий этилди.

Конституциявий судга дастлабки назоратни амалга ошириш ҳуқуқини бериш мумкин бўлган конституцияга зид вазиятларнинг олдини олиш мақсадида энг муҳим ижтимоий муносабатларнинг

конституциявий қонунлар билан тартибга солиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари нормаларининг мамлакатимиз қонунчилиги нормаларидан устунлигидан келиб чиқади.

Иккинчидан, Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга субъектлар доираси кенгайтирилди. Бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бола ҳуқуқлари бўйича вакилига, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилига берилади.

Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни муайян иш бўйича қўлланилган Конституцияга мувофиқ бўлмаган қонун ҳужжатлари билан бузилган фуқаролар ва юридик шахсларга Конституциявий судга конституциявий шикоят қилиш институтининг қонунчиликка киритилиши ҳам янгилик бўлди.

Шундай қилиб, конституциявий қонун 27-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг фикрича, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ келмаса ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, улар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Қонунга кўра, бундай мурожаат учун муайян шартлар зарур. Булар:

- аризачининг фикрига кўра, муайян ишда уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва

эркинликларини бузувчи қонунни қўлланилганлиги;

- суд ҳимоясининг барча воситаларидан фойдаланилганлиги ва судда ишни кўриш тугаганлиги;

- агар судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда ишни кўриб чиқиш тугаган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмай бериши.

Конституциявий суд ваколатларини кенгайтириш, конституциявий шикоят институтини жорий этиш ва бунинг натижасида судьяларнинг иш юкини ошириш нуқтаи назаридан ҳамда Конституциявий суд фаолиятини таъминлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатларни тўлиқ амалга ошириш мақсадида судьялар сони ҳам оширилди.

Учинчидан, судлар томонидан кўзғатилган иш бўйича муайян ишни судда кўриб чиқишда юзага келадиган қўлланилиши керак бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида шубҳалар пайдо бўлса, Олий суднинг мурожаатини Конституциявий суд томонидан кўриб чиқилиши тўғрисида қоида киритилган бўлиб, бу ҳам фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида ҳимоя қилишини ифода этади.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш доирасида судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, Конституциявий суд раҳбариятини сайлаш тартибини демократлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Конституциявий суд судьясининг ваколат муддати ўзгартирилди, шунингдек Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосарини Конституциявий суд судьялари орасидан судьяларнинг ўзлари сай-

лаши ҳам назарда тутилганлиги судьялар ҳуқуқлари тенглигининг муҳим кафолати бўлиб, суднинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган (илгари Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари Сенат томонидан сайланган).

Судьяларнинг ҳолислигини таъминлаш мақсадида Конституциявий суднинг учта судьяси томонидан Конституциявий судга кўриб чиқиш учун масала киритиш ташаббуси институти бекор қилинди (бир қатор давлатлар Конституциявий судлари амалиётига ўхшаш).

Илгари Конституциявий суд томонидан тасдиқланган, унинг регламенти билан белгиланадиган конституциявий суд ишларини юритиш тартибининг конституциявий қонун билан тартибга солиниши муҳим янгилик бўлди. Шу билан бирга, Конституциявий судда ишларни кўриб чиқиш учун қонун ҳужжатларида шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектларнинг мурожаатлари, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг суд ҳужжатида қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоятлари асос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, конституциявий назорат институтини демократлаштириш, конституциявий шикоят институтини киритилиши ва Конституциявий суд иши юритувини такомиллаштириш қонун устуворлигини, жамият ва мамлакат барқарор тараққиётини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

**Ж. БАЛКИБАЕВА,
К. ДАВЛЕТОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди судьялари**

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ: ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон мустақилликка эришган йилларидан бошлаб бугунги кунга қадар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада бир қатор қонунлар ҳам қабул қилинди, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация этилди.

Айниқса, охириги йилларда инсон қадрини улуғловчи давлат барпо этиш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Республикада амалга оширилаётган туб ислохотлар замирида айнан инсон манфаатлари, қадрининг улуғланиши, унга бўлган муносабатлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бош Қомусимизда ҳам республикани **ижтимоий давлат эканлиги эътироф этилди**¹.

Шунингдек, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишга мўлжалланган 7 та муҳим йўналишларидан бири ҳам айнан *«инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш»*² деб номланган.

Бу жамиятнинг барча йўналишларини ҳар томонлама ҳуқуқий жиҳат-

дан комплекс ривожлантиришни англатади.

Бугунги кунда жамиятнинг бошқа соҳалари каби ижтимоий ҳимоя борасида ҳам халқчил ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Янги Конституциянинг 46-моддасида бевосита ижтимоий таъминотнинг Бош қонун билан кафолатланганлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу моддада «ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам **истеъмол харажатларидан оз бўлиши** мумкин эмас»лиги конституциявий норма сифатида белгилаб берилмоқда.

Бош қонунга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчаларнинг, авваламбор, республикаимизда ҳуқуқий асослари, пойдевори яратилди ва шундан кейингина янги Конституцияда ўз аксини топди.

Аввалги Конституциянинг 39-моддасида «пенсиялар, нафақалар, ижти-

мой ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган **тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас**»-лиги белгиланган эди. Лекин, ушбу норманинг қўлланиши қарийб 30 йил мобайнида мавҳум бўлиб келди.

Мамлакатимизда камбағаллик даражасини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (2021 йилда), Давлат статистика қўмитаси ва тегишли вазирлик ҳамда илмий тадқиқот институтлари томонидан Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда ўрганишлар олиб борилди. Бунинг натижасида камбағаллик даражасини аниқлаш учун озиқ-овқат, нооziқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлардан иборат бўлган ҳамда бир киши учун зарур бўлган минимал истеъмол харажатлари қиймати тушунчаси киритилди. Мазкур усулнинг ўзига хослиги аҳоли реал истеъмоли таркиби ва характеридан (consumption behavior) келиб чиқади.

2021 йилнинг июнидан республи-

камизда минимал истеъмол харажатлар қиймати эълон қилинди ва ушбу қиймат босқичма-босқич қайта кўриб чиқилиши назарда тутилди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлмаган миқдори белгиланмоқда.

Бундан ташқари, ушбу модданинг ҳуқуқий асослари сифатида қуйидагилар амалга оширилди.

2017 йилга қадар айрим ижтимоий таъминот масалалари ўз ечимини топмасдан нуроний-қарияларимизни оворагарчиликларига сабаб бўлган эди.

1. Сир эмаски, 2010 йиллардан бошлаб нақд пул муаммоси мавжуд бўлганлиги сабабли фуқароларнинг пенсия ва нафақа тўловларини уларнинг **розилигисиз банк пластик карточкаларга** асоссиз равишда ўтказилганлиги, амалда эса **тўлов терминаллари ва банк касса аппаратлари** етарли даражада таъминланмаганлиги, пластик карталардан

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган йилларидан бошлаб бугунга қадар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган қатор ислохотлар натижалари, айниқса, охириги йилларда инсон қадрини улуғловчи давлат барпо этиш йўлида қўйилган муҳим қадамлар ва ушбу ислохотлар замирида айнан инсон манфаатлари, инсон қадрини улуғланиши, унга бўлган муносабатлар муҳим аҳамият касб этаётганлиги баён қилинган.

Шунингдек, яқин йилларга қадар ижтимоий таъминот соҳасида мавжуд бўлган айрим муаммолар ва 2017 йилдан кейин ушбу муаммоларни бартараф этиш йўлида амалга оширилган ислохотлар тўғрисида маълумотлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ижтимоий таъминот, пенсия, нафақа, минимал истеъмол харажатлари, ишловчи пенсионерлар, ижтимоий тўловлар.

савдо-сотик қилинганда ўзининг маб-лағи бўлса-да, **ноқонуний** тарзда **фоизлар ечиб** олинганлиги ёки **нархлар оширилган** ҳолда белгиланганлиги, бунинг натижасида пенсионерларнинг **норозилик мурожаатлари** сони кескин ошиб кетганлиги ҳамда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояланмаганлиги яққол кўзга ташланиб қолган эди.

Кексаларга ноқулай бўлган ва анчадан буён ечилмаган муаммони бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2753-сонли қарори қабул қилинди³. Ушбу қарор ҳудудларда пенсия ва нафақа тўлашдаги мавжуд аҳволни **танқидий таҳлил** қилиш натижасида қабул қилинган **тарихий қарор ҳисобланади**.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарорига мувофиқ, 2017 йил февраль ойидан бошлаб, барча турдаги пенсияларни тўлаш **ҳеч қандай чекловларсиз** тўлиқ ҳажмда нақд пул шаклда амалга оширилди, миллионлаб пенсионерларни узоқ йиллардан буён қийнаб келган муаммолари ўз ечими топди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Президентимиз ўз вазифасига киришган **илк ойларида қабул қилинган** ижтимоий таъминот соҳасига оид тарихий ҳужжат деб айтсак ҳеч мубо-

лаға бўлмайди.

Чунки, тегишлича инфратузилма ташкил этилмаган ёки кўпгина пенсионерлар пластик карточка нима эканлигини билмаган бир пайтда уларнинг пенсиясини тўлиқ банк пластик карталарига ўтказиш нуронийларга нисбатан ачинарли бир ҳолат эди.

2. Яна бир муаммони вазиятга тўхталиб ўтсак, пенсия ва нафақаларни ўз эгаларига етказиб беришда ҳар хил салбий ҳолатлар учраб турарди. Мисол учун, пенсияларни етказиб беришда муддати ўтган **газета-журналлар** ёки бошқа **кераксиз товар-буюмларни** кўшиб бериш, асоссиз равишда пенсияларини **тўлиқ бермасдан** ушлаб қолиш ёки **кечиктириб тўлаш** ҳолатлари кўплаб учраб турарди.

Ушбу салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Президентнинг 2017 йил 13 мартдаги ПҚ-2826-сонли қарори билан 2017 йил 1 июлдан эътиборан, пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар тўланиши **фақат Халқ банки** томонидан амалга оширилиши белгиланди ва ушбу салбий ҳолатларга чек қўйилди.

3. Пенсия тўловларини амалга оширишдаги яна бир муҳим муаммо — бу **ишлайдиган пенсионерлар ҳисобланади**. Солиқ кодексига асосан, пенсионерлар Пенсия жамғармасига тегишли суғурта бадаллари ёки ажратмаларни бошқа **ишловчи шахслар каби тўлиқ тўлаб** келсаларда, лекин уларнинг пенсиялари **1996 йилдан бошлаб, 50 фоизи миқдори-**

да тўланиши амал қиларди.

Бинобарин, қонунчиликда ишловчи ходимлар учун ижтимоий тўловларни тўлаш бўйича ҳеч қандай табақалашган тартиб мавжуд бўлмаса-да, меҳнатга қобилиятли ёшдаги ходим (16 ёшдан то пенсия ёшигача, аёллар 55 ёш, эркеклар 60 ёш) билан пенсия ёшидаги ходим учун бир хил миқдорда ижтимоий тўловлар амал қиларди.

Ушбу ижтимоий адолатсизликни бартараф этиш мақсадида 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга **пенсиялар тўлик миқдорда** тўланиши амалиётга жорий қилинди.

4. Маълумки, республикамизда пенсия таъминоти солидар тизимга асосланган бўлиб, фуқаролар бутун умр ишлаб давлат томонидан белгиланган ижтимоий тўловларни Пенсия жамғармасига тўлаб борадилар.

Улар пенсияга чиқиб бирор-бир сабабга кўра, **озодликдан маҳрум** қилинганда пенсия тўлови тўхтатилар эди ва қачон жазо муддатини ўтаб озодликка чиққанидан кейингина бу тўловларни тўлаш давом эттирилиши белгиланган эди.

Ушбу тоифа шахсларнинг оила аъзолари ёки ўзлари озодликка чиққанларидан кейин ижтимоий-иқтисодий масалаларда қийналиб қолмасликлари учун 2019 йил 1 сентябрдан озодликдан маҳрум қилиниб, манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахсларга пенсия тайинлаш ва тўлаш

тартиби жорий этилди.

5. Фуқаролардан пенсия ёки нафақа расмийлаштиришда 2017 йилга қадар жуда кўплаб ҳужжатлар талаб қилинар эди. Фуқаролар ойлар, йиллар мобайнида ҳужжатлар йиғиш билан овора бўларди.

Айрим вақтларда корхоналар тугатилган бўлса-да, ҳужжатлар архивга топширилмаган ёки ҳужжатлар мавжуд бўлса-да, улар сифатсиз тўлдирилганлиги пенсия тайинлашга муножабат қилган шахсларнинг ортиқча оворагарчиликларига сабаб бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан фуқароларнинг оворагарчиликларига ҳамда ортиқча қоғозбозликка барҳам бериш мақсадида 2020 йилдан бошлаб, фуқаролардан қоғоз шаклида ҳужжатлар талаб қилмасдан **электрон тарзда**, айниқса, иш ҳақи ва меҳнат стажлари бўйича маълумотларни **«Ягона миллий меҳнат тизими»** дастуридан олиб пенсия тайинлаш амалиёти жорий қилинди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, эндиликда фуқаролардан ишлаган жойларидан, архивлардан маълумотномалар, шу жумладан, иш ҳақи, иш стажи тўғрисида, оила аъзолари, ўқиш жойларидан маълумотномалар талаб этилмасдан:

- 2005-йилгача бўлган даври **меҳнат дафтарчасидаги** ёзувлар асосида;
- 2005-2016 йиллар учун **Халқ банки** маълумотлари;
- 2016-2018 йилларда корхона то-

монидан суғурта бадалларини тўлаганлиги реестрлари асосида;

– 2019 йилдан кейинги давр учун фуқароларнинг иш ҳақининг **индивидуал тартибда**, умумлашган маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда тайинлаш жорий қилинди.

Демак, ҳозирда фуқаро фақат шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ариза билан мурожаат этса, пенсия расмийлаштириш учун кифоя бўлади.

Янги Ўзбекистонда пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида тизимли ислохотлар давом этмоқда, буларнинг барчаси инсон қадрини улуғловчи давлат барпо этилаётганлигининг далолатидир.

Пенсионерларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш, моддий таъминотини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига асосан, **3-гурӯх** ногиронларига 2011 йилдан пенсия тайинлаш бекор қилинган бўлса, фақат 2018 йилдан: Чернобиль атом электр станцияси фалокатини бартараф этишда қатнашган 3-гурӯхларгагина пенсия тайинлаш қайта тикланди.

Таклиф: Ижтимоий адолат принципларида асосланган ҳолда барча 3-гурӯх ногиронларига пенсия тайинлаш масаласи қайта кўриб чиқилса

мақсадга мувофиқ бўларди.

Қонуннинг 37-моддасига асосан, **«ёшга доир пенсияга чиқиб меҳнат фаолиятини давом эттираётган шахсларнинг иш стажлари пенсия ҳисоблаш учун инобатга олинмайди»** деб белгилаб қўйилган.

Ушбу тоифадаги шахслар Солиқ кодексига кўра, тўловлар ва ажратмаларни тўлаб келаётганлигини ҳисобга олган ҳолда пенсияга чиқиб меҳнат фаолиятини давом эттираётган шахсларнинг пенсияларини қайта ҳисоблаш йўлга қўйилса янада адолатли бўларди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканлиги нуқтаи назаридан хулоса сифатида айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистонда адолатли ижтимоий таъминот, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш халқимизнинг олий мақсадидир.

М. ЗИЯДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳридаги
«Санкт-Петербург» давлат
университети Федерал давлат
бюджети олий таълим муассасаси
филиали ижрочи директори,
юримдик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

¹<https://lex.uz/docs/6445145>.

²<https://lex.uz/docs/5841063>.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2753-сонли қарори.

СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Шахс ҳуқуқларини чеклаш механизмлари судга қадар иш юритув босқичининг энг муҳим таркибий элементи ҳисобланади. Чунки, ушбу механизмлар далилларни тўплашга, мустаҳкамлашга, уларни текширишга, йўқ қилиб юборилишини олдини олишга, шахсни дастлабки терговга келишини ва ҳукм ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутadi. Шу сабабли, шахс ҳуқуқларини чеклаш механизмини такомиллаштириш бу судга қадар иш юритувининг тез ва натижадор бўлиши билан бирга, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Самардорликни таърифлаш асносида ушбу сўзнинг Ўзбек тили изоҳли луғатидаги мазмунига назар ташлайлик. Унга кўра, самардорлик – самардор, самара сўзларидан пайдо бўлган бўлиб, самардор деганда «кутилганча ёки ундан ҳам ортиқ самара берадиган» маъносини, самара сўзи эса арабча сўз бўлиб, натижа, оқибат маъноларини англатади¹.

З.Зинатуллиннинг таъкидлашича, ҳуқуқий қонданинг самардорлиги ушбу ҳуқуқий норманинг мақсади-га энг кам ижтимоий сарфлар орқали эришишни таъминлайдиган унинг таркибий қисми, ички кучи ва мазмунли бўлаги ҳисобланади².

Б.Булатовнинг қайд этишича, «ҳуқуқий қонданинг самардорлиги –

ҳуқуқий норманинг белгиланган мақсадга мувофиқ ижобий натижа бериш имконияти»³.

Бу борада ўзбек олимларидан Б. Рашидовнинг қонун ва қонунни қўллаш самардорлиги ҳақидаги фикрлари жуда ўринли. Хусусан, Б. Рашидовнинг таъкидлашича, қонуннинг самардорлиги – белгиланган мақсадларга иложи борица камроқ куч ва воситаларни жалб қилиш, камроқ вақт сарфлаш имкониятини берадиган хусусиятдир.

Қонунни қўллаш фаолиятининг самардорлиги деганда эса, ушбу фаолият давомида иложи борица камроқ куч, восита ва вақт сарфланиши орқали кутилган натижага эришишни таъминлайдиган, фаолият иштирокчилари хатти-ҳаракатлари ва ўзаро муносабатлари мақбул йўналишда бўлишига ижобий таъсир қилувчи қонун талабларига мос бўлган имкониятлар йиғиндисини ифодаловчи хусусият тушунилади⁴.

Самардорликни таърифлаш ва баҳолаш борасида З.Зинатуллин, Б.Булатов ва Б. Рашидовнинг фикрларига қисман қўшиламыз. Ҳақиқатан ҳам қонунни қўллаш самардорлиги камроқ куч ва воситаларни жалб қилиш, камроқ вақт сарфлаш орқали юқори натижаларга эришишга хизмат қилади. Бироқ, бизнинг назаримизда уларнинг самардорлик тўғрисидаги таъриф ва фикрларини тадқиқот объекти нуқтаи назаридан мукамал таъриф сифатида

баҳолай олмаймиз.

Тадқиқотдан кўзланган пировард мақсадимиз нафақат ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш, балки самарали натижаларга эришиш баробарида, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳамда ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини яратиш ҳисобланади.

Шу сабабли, шахс ҳуқуқларини чеклаш механизмини такомиллаштириш, қўллаш самарадорлигини ошириш борасида биз ўз таърифимизни келтириб ўтмоқчимиз. Яъни, шахс ҳуқуқларини чеклаш механизми самарадорлиги – бу камроқ куч, восита ва вақт сарфланиши орқали, шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда проактив кафолатларини яратган ҳолда, дастлабки тергов олди-

га қўйилган вазифаларни юқори натижалар билан бажариш.

Ўз навбатида, шахс ҳуқуқларини чеклаш механизмини такомиллаштириш, қўллаш самарадорлигини ошириш борасида икки хил йўналишда чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф қиламиз.

Биринчи йўналиш, амалдаги қонунчиликдаги шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш, ортиқча ва самарасиз босқичларни олиб ташлаш, улар ўрнига, ишончли илғор мамлакатлар тажрибасида ўзини оқлаган, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига тўлиқ жавоб берадиган, жиноят-процессуал қонунчилиكنинг либераллаштиришга хизмат қиладиган нормаларни киритиш.

Иккинчи йўналиш, ташкилий чо-

АННОТАЦИЯ

Мақолада амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигидаги шахс ҳуқуқларини чеклаш механизмини такомиллаштириш ҳамда уларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида қонунчиликдаги айрим бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ортиқча босқичларни чиқариб ташлаш, уларнинг ўрнига шахс ҳуқуқларини таъминлашда бир мунча самарали бўлган тартибларни жорий этиш, қўлловчи субъектларнинг билим салоҳиятини ошириш ва шахс ҳуқуқларини чеклаш соҳасини рақамлаштириш, замонавий ахборот-коммуникация воситаларини татбиқ этиш бўйича аниқ таклифлар баён қилинган.

Калит сўзлар: самарадорлик, терговчи, тергов бошлиғи, прокурор, прокурор назорати, суд, суд назорати.

В статье в целях совершенствования механизма ограничения прав личности в действующем уголовно-процессуальном законодательстве и повышения эффективности их применения излагаются конкретные предложения по устранению определенных бюрократических препятствий в законодательстве, исключению чрезмерных стадий, внедрению процедур, которые в определенной степени эффективны для обеспечения прав личности в уголовном процессе, повышают когнитивный потенциал.

Ключевые слова: эффективность, следователь, руководитель расследования, прокурор, прокурорский контроль, суд, судебный контроль.

The article In order to improve the mechanism for limiting the rights of the individual in the current criminal procedure legislation and to increase the effectiveness of their application, the article describes specific proposals to eliminate certain bureaucratic obstacles in the legislation, exclude excessive stages, introduce procedures that are somewhat effective in ensuring the rights of the individual in their place, increase the cognitive potential.

Key words: efficiency, investigator, head of investigation, prosecutor, prosecutor's control, court, judicial control.



ра-тадбирларни ўз ичига олиб, бунда асосан, шахс ҳуқуқларини чеклашни амалга оширувчи субъектларни илмий салоҳиятини ошириш, уларни қўллаш жараёнида замоний ахборот-коммуникация воситаларини жорий этиш ва мазкур жараёнларни рақамлаштириш.

Биринчи йўналиш – амалдаги қонунчиликдаги шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади. Шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чоралари ва тергов ҳаракатларини фақатгина суднинг ажрими асосида ўтказилишини назарда тутувчи қоидаларни ўрнатиш. Бунда, Россия, Грузия, Саудия Арабистони жиноят-процессуал қонунчилигидагидек суриштирувчи, терговчи органи раҳбарларининг мақоми ва масъулиятини ошириб, тўғридан-тўғри мажбурлов

чораларини қўллаш ва тергов ҳаракатларини ўтказиш юзасидан судга мурожаат қилиш, ўз навбатида, амалдаги қонунчиликка асосан, дастлабки тергов устидан прокурор назоратини таъминлаш имкониятларини тўлиқ чекламаган ҳолда, унга тегишли процессуал ҳаракат амалга оширилаётгани ҳақида хабарнома юбориш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тергов органи раҳбарининг мақоми кўтариш ва у томонидан идоравий-процессуал назоратни таъминлаш борасида Д. Миразов қуйидаги фикрларни билдирган. Тергов органи раҳбари томонидан амалга ошириладиган идоравий-процессуал назорат терговчининг фаолияти билан бевосита танишиш; ишнинг ҳолатини кўрсатувчи ҳужжатларни ўрганиш; йўл-йўриқ кўрсатиш; иш режаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; тергов ва бошқа процессу-

ал ҳаракатлар ўтказилишини бевосита кузатиб бориш; терговчининг ҳисоботларини тинглаш; иш бўйича тегишли кўрсатмалар бериш шаклларида амалга оширилади. Дастлабки тергов фаолиятининг самарадорлиги уни амалга ошириш устидан идоравий-процессуал назоратнинг энг мақбул шакли қўлланилиши билан бевосита боғлиқ⁵. Д. Миразовнинг юқоридаги фикрларига тўлиқ қўшилган ҳолда шуни таъкидлашимиз мумкинки, тергов органи раҳбарининг терговчининг фаолиятида унинг қонун ҳужжатларига риоя қилишини тезкор назорат қилишида самарали восита ҳисобланади. Бу каби қоидаларни Саудия Арабистони жиноят-процессуал қонунчилигида кўришимиз мумкин. Лекин, терговчининг фаолияти устидан процессуал назорат олиб боришни тўлиқ тергов органи раҳбари ваколатига берилиши ҳам унчалик мақсадга мувофиқ саналмайди. Чунки, терговчи фаолияти, у томонидан тергов қилинган жиноят иши натижаларидан тергов органи раҳбари манфаатдор ҳисобланади, терговчи томонидан камчиликларга йўл қўйилиши туфайли унинг ўзига бевосита интизомий жавобгарликлар таҳдиди мавжудлиги келгусида тергов органи бошлиғига терговчининг камчиликларини ҳаспўшлашга имкон бериши мумкин. Шунинг учун ҳам тергов органи устидан процессуал назорат ўрнатишнинг муқобил турларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик фойдадан холи эмас.

Амалдаги, шунингдек яқин ва узок ўтмишда мавжуд қонунчиликка назар ташланса, дастлабки тергов устидан прокурор назорати мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлар прокурор назоратининг ижобий

томонларини жуда кўп ёритишган.

М. Строговичнинг фикрича, жиноят процессида прокурор ўз фаолиятининг барча соҳаларида бўлгани каби бир хил – қонун устуворлиги ҳимоячиси, қонун қўриқчиси. Аммо, прокурор жиноят процессида ушбу асосий ва умумий вазифани махсус шаклларда, аниқ усуллар билан амалга оширади⁶.

Б. Басковнинг фикрича, прокурор назорати содир этилган жиноятларнинг ўз вақтида ошкор этилиши ва тергов қилинишини таъминлайди⁷.

В. Крюков прокурор назоратини – бузилган ҳуқуқларни тиклаш чораларини кўриш билан ҳуқуқий тартибга солишнинг ягона бажарилишини давлат томонидан назорат қилиш⁸ сифатида баҳолаган.

В. Гаврилов прокурор назоратига судга қадар жараёнда процессуал назоратни амалга ошириш сифатида қараб, «жиноят процессида прокурор назоратининг ўзига хос хусусияти, у бир томондан жиноят процессининг органик қисми, иккинчи томондан, у гўё дастлабки терговни олиб бориш давомида суриштирувчи, терговчи ва дастлабки тергов органларининг процессуал фаолиятига раҳбарлик қилади», дея таъриф беради.

Бошқа гуруҳ олимлар юқоридаги фикрларнинг аксини таъкидлаган. Хусусан, Н. Ковтуннинг фикрига кўра, суд назорати суд ҳокимиятининг жиноят процессида шахс ҳуқуқларини асосиз ва ноқонуний чеклашга йўл қўймаслик, ушбу ҳуқуқларни тиклашга қаратилган конституциявий функциясини амалга оширишга қаратилган мустақил восита, аниқроғи процессуал қонунчиликда кўзда тутилган воситалар тизимидир⁹.

А. Солодиловнинг қайд этиши-

ча, суд назорати жиноят процессида процесс иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзига хос жиноят-процессуал фаолиятдир¹⁰.

Н. Лопаткина эса, суд назоратининг вазифалари жиноят ишлари бўйича ишни судга қадар юритишни самарали амалга оширишга ёрдамлашиш, одил судлов учун қулай шароитларни таъминлаш, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат¹¹, деб таъриф беради.

Ўзбек олимларидан Д. Миразовнинг таъкидлашича, бошқарув назарияси ва мантикий мувофиқлик нуқтаи назаридан битта органда ҳам муайян фаолият тури амалга оширилиши, ҳам айнан шу фаолият турини амалга оширадиган бошқа органлар фаолиятининг назорат қилиниши нотўғри. Шунингдек, «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига асосан, прокурорлар томонидан амалга оширилаётган тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси ҳам Асосий қонунда белгиланган назорат функциясига тўғри келмайди.

Унинг фикрича, судга қадар иш юритув босқичида шахс конституциявий ҳуқуқларининг чекланишини фақат суд санкцияси билан амалга ошириш тартиби жорий этилганлигининг пировард мақсади шахс эркинлиги ва шахсий дахлсизлик каби конституциявий ҳуқуқларни чеклаш масаласини ҳал этишда адолат, холислик ва беғаразликни таъминлашдан иборатдир. Айнан шу жиҳати билан суд назорати жиноят ишларини судга қадар юритиш

жараёнида амалга ошириладиган прокурор назорати ва идоравий-процессуал назоратдан бир қанча асосларга кўра устундир¹².

Ўз навбатида, биз М. Строгович, Б. Басков, В. Крюков ва В. Гавриловнинг фикрига мутлақо қўшила олмаймиз. Чунки, уларнинг фикрлари давлат айбловини қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан судга қадар иш юритувидан самарали ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, прокуратура органлари томонидан дастлабки терговни олиб бориш, бошқа тергов органлари томонидан қўлланадиган мажбурлов чораларини қўллашга ва тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш, бунда шахс ҳуқуқларини чекланишининг қонунийлигини назорат қилиш, дастлабки тергов фаолияти устидан прокурор назоратини амалга ошириш, судда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш ваколатларининг жамланиши мақсадга мувофиқ эмас.

Шу сабабли, биз Н. Ковтун, А. Солодилов, Н. Лопаткина ва Д. Миразовнинг фикрларига қўшилаемиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Сабаби, суд назорати судга қадар иш юритувни самарали амалга оширишга ёрдамлашади, одил судлов учун қулай шароитларни, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг шахсий дахлсизлиги каби конституциявий ҳуқуқларини чеклаш масаласини ҳал этишда адолат, холислик ва беғаразликни таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, суд назоратининг бош ғояси, яъни ваколатли органлар адолатли ва очиқ суд муҳокамасини талаб қилиш ҳуқуқини таъминлашлари кераклиги, суд муҳокамасини талаб қилиш ҳуқуқини ҳар қандай сабабга кўра рад қилишга йўл қўйилмаслиги

принципи Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 12-моддаси, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 24-моддаси, Молдова ЖПКнинг 19-моддаси, Туркманистон Республикаси ЖПКнинг 11-моддаси, Арманистон ЖПКнинг 17-моддаси, Украина ЖПКнинг 21-моддасида акс этган.

Иккинчи йўналиш – ташкилий чора-тадбирларни ўз ичига олиб, энг аввало, шахс ҳуқуқларинг чеклашни амалга оширувчи субъектларни илмий салоҳиятини оширишни назарда тутди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилдаги «Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-257-сонли фармонида белгиланган тергов ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа соҳаларида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасидаги чора-тадбирларни тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни самарали амалга ошириш ва бунда шахснинг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза қилинишини тўлиқ таъминлаш кўникмаларини шакллантириш лозим.

Бу борада тадқиқот олиб борган Б.Пўлатов ҳам терговчи, прокурор ва судья ходимларни касбга тайёрлаш, ўқитиш, малакасини ошириш бўйича таълим жараёни самарадорлигини ошириш¹³ лозимлигини таъкидлаган.

О. Копилованинг фикрича, жиноий процессуал мажбурлаш чораларини қўллашда ваколатли шахс нафақат унга бундай ҳуқуқ берилганлигини ва ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилиши

унинг фаолиятини осонлаштиришини, балки бундай чораларнинг ҳақиқий зарурлигини, улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ва адолатлилигини ҳам ҳисобга олиши керак. Аммо, бу нафақат жиноят-процессуал мажбурлаш чораларини қўллашнинг моҳияти асослари, шартлари ва тартибини, балки уларнинг самарадорлигини ҳам билишни талаб қилади¹⁴.

О. Копилова ва Б.Пўлатовнинг ушбу фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни қайд этишимиз лозимки, ҳар қандай соҳада самарадорликка эришишнинг негизида билим ва ақлий салоҳият ётади.

Жиноят-процесси мақсадларига эришиш учун чекловчи чораларни танлашда уларнинг самарадорлиги бевожуб ижрочининг имкониятига боғлиқ бўлиб қолади. Шахсга нисбатан қўлланилган чора қилмиш ва шахснинг хусусиятларига мувофиқ танланмаса ёки ижрочи процессуал ҳаракатни самарали амалга ошира олмаса шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўллаш ва тергов ҳаракатларини ўтказиш бесамар кетиши мумкин.

Ташкилий тадбирларнинг яна бир тури бу судга қадар иш юритувида жиноят-процессига замоний ахборот-коммуникация воситаларини жорий этиш ва мазкур жараёнларни рақамлаштиришни назарда тутди. Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги «Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-11-сонли фармонида белгиланган судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интел-

лект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш мақсадида:

1. Идоралараро ягона интеграцион платформа яратиш;

2. Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида маълумотлар алмашинувини тўлиқ рақамли технологияга ўтказиш;

3. Ягона платформа асосида ахборот тизимларини интеграция қилиш борасидаги чора-тадбирларни тўлиқ амалиётга жорий этиш вазифалари белгиланган.

Ўз навбатида, бу каби вазифалар ижросини таъминлашда ортиқча

маб-лағлар сарф бўлишини олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Бош прокуратура, ДХХ, ДБК, МГ, Олий судининг 2021 йил 15 ноябрдаги қўшма қарорига кўра тасдиқланган «Электрон жиной – ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизими негизида идоралараро ягона интеграцион платформа яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Б. ҚОБУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети мустақил
изланувчиси

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш. Н – Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т., 2006. – Б.434 (Explanatory Dictionary of the Uzbek language: more than 80,000 words and combinations of words. J.III. N-ordinal / editorial board: T.Mirzaev (leader) and others.; Ўзр FA language and literature institute. - Т., 2006. – Б. 434)

²Зинатуллин З.З. Уголовно-процессуальное принуждение и его эффективность. – Казань, 1981. – С. 22. (Zinatullin Z.Z. Criminal procedural coercion and its effectiveness. – Kazan, 1981. – p.22.)

³Булатов Б.Б. Эффективность мер пресечения не связанных с содержанием под стражей. – Омск, 1984. – С. 17. 15-б (Bulatov B.B. Effectiveness of preventive measures not related to detention. – Omsk, 1984. – p.17. 15-b)

⁴Рашидов Б.Н. «Эҳтиёт чораси сифатида гаровни қўллаш самарадорлигини ошириш муаммолари» мавзусидаги Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 138-бет. Тошкент-2010. (Rashidov B.N. Dissertation written to obtain the degree of candidate of Legal Sciences on the topic "problems of improving the effectiveness of the application of collateral as a precaution". P. 138. Tashkent-2010.)

⁵Миразов Д.М. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари. Докторлик диссертацияси автореферати. Тошкент-2016. (Mirazov D.M. Theoretical, organizational and procedural aspects of improving control and control over the activities of the first investigative agencies. Doctoral dissertation autoreferat. Tashkent-2016.)

⁶Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса: в 2 т. Т. 1. Основные положения науки советского уголовного процесса. М.: Наука, 1968. С. 214. (Strogovich M.S. The course of the Soviet criminal process: in 2 vols. Vol. 1. The main provisions of the science of the Soviet criminal process. M.: Nauka, 1968. p. 214.)

⁷Басков В.И. Прокурор осуществляет надзор. М.: Государственное издательство юридической литературы, 1963.С. 8. (Baskov V.I. Prosecutor supervises. M.: State Publishing House of Legal Literature, 1963.P. 8.)

⁸Крюков В.Ф. Полномочия прокурора в досудебном производстве по уголовным делам: современность и перспективы // Журнал российского права. 2007. № 10. С. 62. (Kryukov V.F. Powers of the prosecutor in pre-trial proceedings in criminal cases: modernity and prospects // Journal of Russian Law. 2007. No. 10. p. 62.)

⁹Ковтун Н.Н. Судебный контроль в уголовном судопроизводстве России. – Н. Новгород: Нижегородская правовая академия, 2002. – С. 14. (Kovtun N.N. Judicial control in criminal proceedings of Russia. – N. Novgorod: Nizhny Novgorod Law Academy, 2002. – p. 14.)

¹⁰Солодилов А.В. Судебный контроль в системе уголовного судопроизводства / Томск, 2000. – С. 47. (Solodilov A.V. Judicial control in the criminal justice system / Tomsk, 2000. p. 47.)

¹¹Лопаткина Н.А. Институт судебного контроля на досудебных стадиях уголовного процесса России. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Краснодар. 2003 (Lopatkina N.A. Institute of Judicial Control at the pre-trial stages of the criminal process of Russia. Abstract of the dissertation of the candidate. jurid. sciences'. – Krasnodar. 2003).

¹²Пўлатов Б. Конституция талабларига риоя қилиш – ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2009. – №8. – Б.76. (Pulatov B. Compliance with the requirements of the constitution – legal culture of law enforcement officers // Tdyui newsletter. - Tashkent, 2009. – №8. – B.76.)

¹⁴Копылова О.П. Меры принуждения в уголовном процессе. Тамбов/ Издательство ГОУ ВПО ТГТУ 2011 ст. 68. (Kopylova O.P. Coercive measures in criminal proceedings. Tambov/ Publishing house of GOU VPO TSTU 2011 art. 68.)

КОНТРАБАНДА УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ОВИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Контрабанда учун жавобгарликни оғирлаштирувчи сифатида Жиноят кодекси (ЖК)нинг 246-моддасида иккита ҳолат белгиланган.

Биринчиси – контрабанда предмети-нинг тури бўйича, яъни ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, радиоактив материалларни контрабанда қилиш.

Ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турлари деганда, чекланган миқдорда қўлланилганда ҳам йирик қўламли вайронкор таъсир кучига эга бўлган, оммавий бузилишлар ва атроф-муҳит, давлатнинг ҳолатига қайта тиклаб бўлмайдиган даражагача зарар етказишга қодир бўлган ялпи қирғин қуроли тушунилади.

Ялпи қирғин қуроли сифатида одатда ядровий, кимёвий ва биологик қуроллар назарда тутилади. Шу билан бирга, фан ва техниканинг жадал ривожланиши натижасида оммавий қирғин қуролларининг янги турлари вужудга келиши истисно этилмайди.

Ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламалар деганда, ушбу оммавий қирғин қуроллари-

ни тайёрлашда фойдаланилиши мумкин бўлган материал ва мосламалар тушунилади. Бунда, шахс ушбу материал ва мосламалардан оммавий қирғин қуролларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлигини англаши лозим бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ЖК 246-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳар иккала қисмда ҳам **«радиоактив материаллар»** тушунчаси такрорланади.

Яъни, радиоактив материаллар контрабандаси ЖК 246-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми билан ҳам квалификация қилиниши мумкин бўлиб, бунда уларнинг ўртасидаги ягона фарқлаш мезони бу – контрабанда қилинаётган радиоактив материалдан ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан боғланган.

Бошқача айтганда, агар контрабанда қилинган радиоактив материалдан оммавий қирғин қуролини яратишда фойдаланиш мумкин бўлса, бундай ҳаракат учун жавобгарлик ЖК 246-моддасининг иккинчи қисми билан, акс ҳолда эса, ЖК 246-моддасининг биринчи қисми билан келиб чиқади. Ушбу масалага суд экспертизаси натижасида аниқлик киритилиши лозим бўлади.

ЖК 246-моддасининг иккинчи қисмида эса, контрабанда жиноятининг субъектив

белгиси билан боғлиқ белги квалификациявий белги сифатида таъкидланган. Хусусан, унда «оммавий қирғин қуролини яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, радиоактив материалларни» контрабанда қилиш назарда тутилган. Гувоҳи бўлганимиздек, ушбу ҳолатда «аён бўлганлик» жиноятчи қасдини аниқлашдаги муҳим белги сифатида назарда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, жиноят ҳуқуқига оид илмий-назарий манбаларда «аён бўлганлик» субъектив томон белгиларидан бири, қасднинг ақлий жиҳатини ифода-лаш воситаси ва «англаш» элементининг бир кўриниши сифатида кўриб чиқилади. Масалан, А.И.Парогнинг ёзишича, «аён

бўлганлик – бу субъект қилмишни содир этишда жиноятни малакалаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган у ёки бу ҳолатлар мавжудлиги ҳақида билишини кўрсатиш воситасидир»¹.

«Жиноят-ҳуқуқий соҳа доирасида «аён бўлганлик» тушунчаси юридик аҳамиятга эга омиллар ҳақида илгаридан ишончли маълум бўлганликни тушуниш зарур. Бундай ёндашув қасддан содир этиладиган ҳаракатларни аффе́ктив ҳаракатлардан фарқлаш, айбнинг барча хусусиятларини (шакли, моҳияти, даражаси, ҳажми) ҳар томонлама ҳисобга олиш ва малакалаш қоидаларини инобатга олган ҳолда адолатли ва асосли жазо тайинлаш имконини беради»².

АННОТАЦИЯ

Мақолада контрабанда учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар хорижий ва миллий олимларнинг фикрлари асосида батафсил таҳлил қилиб берилган. Хорижий тажриба ва миллий қонунчиликдаги оғирлаштирувчи ҳолатларда субъектив томоннинг аҳамияти ҳам ўрганилган. Шу билан бирга, ЖКнинг 246-моддасида оғирлаштирувчи ҳолатлар доирасини кенгайтириш юзасидан таклиф ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: контрабанда, божхона қонунчилиги, божхона назорати, божхона чегараси, божхона чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар, кўп миқдор.

В статье проводится подробный анализ отягчающих ответственность обстоятельств за контрабанду на основе мнений зарубежных и отечественных ученых. Также исследуется значение субъективной стороны в отягчающих обстоятельствах на примере зарубежного опыта и отечественного законодательства. Вместе с тем внесено предложение расширить состав отягчающих обстоятельств в статье 246 УК Республики Узбекистан.

Ключевые слова: контрабанда, таможенное законодательство, таможенный контроль, таможенная граница, незаконное пересечение таможенной границы, отягчающие обстоятельства, крупный размер.

The article provides a detailed analysis of aggravating circumstances for smuggling based on the opinions of foreign and domestic scientists. The significance of the subjective side in aggravating circumstances in foreign experience and domestic legislation is also explored. At the same time, a proposal was made to expand the composition of aggravating circumstances in Article 246 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: smuggling, customs legislation, customs control, customs border, illegal crossing of the customs border, aggravating circumstances, large size.

«Жиноят-хукукий нормаларда «аён бўлганлик» айбдорнинг бирор-бир ҳолат, масалан, жабрланувчи шахсига (ҳомиладорлиги, ожиз аҳволдалиги) ёки жиноятни содир этиш усулига (ёлғон бўлган маълумотни тақдим этиш) тааллуқли ҳолат ҳақида олдиндан хабардор бўлганлиги тушунилади»³.

«Аён бўлганлик» айбдорнинг жиноий таъсир кўрсатиш объектидаги алоҳида тавсифловчи хусусиятлар мавжудлиги ҳақида ишончли маълумотга эгалиги, хабардорлиги сифатида тавсифланади»⁴.

Турли жиноят таркибларида қонун чиқарувчи томонидан «аён бўлганлик» талабининг киритилиши қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги айнан шу белгининг мавжудлиги билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратилади. Яъни, шахсга жиноят бўйича маълум ҳолатларнинг аён бўлмаганлиги қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини ва шунга кўра, уни жиноят деб топиш ёхуд жиноятнинг оғирлаштирувчи ҳолат сифатида малакалаш имкониятини инкор этади. Бошқача айтганда, ЖКнинг Махсус қисмида жиноят белгиси сифатида «аён бўлганлик» талабининг киритилиши шахс инсофли адашган ҳолатларда унинг ҳолатини асоссиз оғирлаштиришнинг олдини олади.

Бу борада И. Грунтов таъкидлаганидек, «жиноят-хукукий нормада аниқ тажовузнинг объектив белгиларини тавсифлаш қасд ва эҳтиётсизликнинг ақлий ва иродавий жиҳатлари мазмунини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарур»⁵.

Юқоридагилар асосида контрабандада «аён бўлганлик» жиноят субъектив томонини тавсифловчи белги бўлиб, жиноят субъектининг контрабанда йўли билан божхона чегарасидан ўтказишга урин-

моқчи бўлаётган материал ва мосламалар, радиоактив материаллардан оммавий қирғин қуроллари яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлиши лозим. Яъни, жиноят субъекти оммавий қирғин қуроллари яратишда фойдаланиш мумкин бўлган материал, мослама ёки радиоактив материални олиб ўтаётганлигини англаши, билиши, шу ҳолат ҳақида хабардор бўлиши лозим бўлади. Бу билан қонун чиқарувчи мазкур ҳолатда жиноят фақатгина тўғри қасддан содир этилишига ишора қилади. Қонун талаби асосида терговчи ЖК 246-моддасининг иккинчи қисми бўйича жиноят иши юзасидан дастлабки тергов жараёнида айбланувчининг божхона чегарасидан ўтказмоқчи бўлган материал, мослама ёки радиоактив материаллардан оммавий қирғин қуроллари яратишда фойдаланилиши мумкинлигини билганлиги ҳолатини тегишли далиллар билан исботлаши талаб этилади.

Башарти, шахс олиб ўтаётган материал ва мосламалар, радиоактив материаллардан оммавий қирғин қуроллари яратишда фойдаланилиши мумкинлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса унинг хатти-ҳаракатлари ЖК 246-моддасининг иккинчи қисми билан эмас, балки ЖК 246-моддасининг биринчи қисми ёки бошқа моддалар билан малакаланиши лозим бўлади.

Таъкидлаш лозимки, «аён бўлганлик» белгиси барча давлатлар қонунчилигида ҳам учрамайди. Масалан, Қозоғистон ЖКнинг 286-моддасида «оммавий қирғин қуроллари яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган материал ва мосламалар, радиоактив материалларни ўтказиш» учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бунда жиноят субъектининг ушбу материаллар-

дан оммавий қирғин қуроллари яратишда фойдаланилиши мумкинлигини билганлиги ёки билмаганлиги қилмишни малакалашда аҳамиятга эга эмас.

Иккинчиси – контрабанда предмети-нинг миқдори бўйича, яъни гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда контрабанда қилиш.

Таъкидлаш лозимки, ЖКда гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг кўп миқдори тушунчаси аниқ белгилаб берилмаган. Хусусан, ЖК Атамаларнинг ҳуқуқий маъносига оид 8-бўлимида «гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишдаги кўп миқдор тегишли давлат органи томонидан белгиланиши» назарда тутилган.

Суд-тергов амалиётига мурожаат этадиган бўлсак, Сирдарё вилояти жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани суди томонидан 2022 йил 14 июль куни кўриб чиқилган жиноят ишида судланувчи Р. Қозоғистондан Ўзбекистонга «Сирдарё» чегара божхона пости орқали ўтиш мақсадида бошқарувидаги «Камаз» русумли юк автотранспорт воситасининг кабинаси тепа қисмида жойлашган кути (бар) ичига умумий оғирлиги 0,975 грамм бўлган 13 конвалъютада жами 130 дона «Зопиклон» номли психотроп дори воситасини яшириб, божхона декларациясида кўрсатмай, Ўзбекистон божхона чегарасидан ўтказмоқчи бўлганда қўлга олинган. Судга оид кимёвий экспертизасининг хулосасига кўра, айбланувчи Р.дан олинган 13 дона «Зопиклон» номли психотроп дори воситаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.2018 йилдаги 878-сон-

ли қарорининг 3-рўйхатига кўра, республика ҳудудида муомаласи чекланган психотроп дори воситалари рўйхатига киритилганлиги ҳамда умумий оғирлиги 0,975 граммни ташкил этиши кўрсатилган. Ушбу миқдор кўп миқдор сифатида баҳоланиб, айбланувчининг ҳаракатлари ЖК 246-моддасининг иккинчи қисми билан малакаланган⁶.

Ёки бўлмаса, Сирдарё вилояти жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг 2020 йил 9 июлдаги мажлисида судланувчилар У. ва Б.ларга нисбатан кўриб чиқилган жиноят ишида судланувчилар Тожикистон Республикасидан «опий» гиёхвандлик воситасини «Nexia» русумли автомашинасининг хуфиёна жойи ҳисобланган олд йўловчи ўриндиғи таг қисмига кўп миқдорда, яъни оғирлиги 990 грамм бўлган «опий» гиёхванд воситасини яширган ҳолда ўтказиб, 9 минг АҚШ доллариға сотмоқчи бўлганда қўлга тушган. Судланувчиларнинг ҳаракатлари ЖК 28, 246-моддасининг иккинчи қисми ҳамда 273-моддасининг бешинчи қисми билан малакаланган⁷.

Суд-тергов амалиётида ярим килодан ошган ҳолларда гиёхвандлик ёки психотроп моддаси кўп миқдорда деб топишган. Юқорида таъкидланганидек, ЖКда кўп миқдор аниқ белгилаб берилмаган, бу тўғри ёндашув деб ҳисоблаймиз, чунки гиёхвандлик ёки психотроп моддаларнинг ҳар хил тури бўлиб, айрим ўта хавфли турларининг озгина миқдори бошқа гиёхвандлик ёки психотроп моддаларнинг кўпроқ миқдorigа тўғри келади. Мазкур ҳолатда гиёхвандлик ёки психотроп моддаларнинг хавфлилиқ даражасидан келиб чиқиб турлича ёндашиш зарурати мавжуд. Таъкидлаш лозимки, айрим

хорижий мамлакатларда, масалан, Украина ва Беларусь ЖКда ўта хавфли гиёҳванд моддаларни ёки психотроп воситаларни ўтказишни ўзи миқдоридан қатъи назар, алоҳида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКда белгиланган контрабанда жиноятининг оғирлаштирувчи ҳолатлари таҳлили уларнинг доираси катта эмаслигини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, хорижий давлатларда контрабанда жиноятининг оғирлаштирувчи ҳолатлари доираси бирмунча кенгроқ қилиб белгиланган. Хусусан, хорижий мамлакатларда контрабанда чегара ёки божхона назоратини амалга ошираётган шахсга нисбатан зўрлик ишлатган ҳолда (Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь), такроран (Қозоғистон, Тожикистон, Украина, Грузия, Туркменистон, Озарбайжон, Беларусь), мансабдор шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, жиноий уюшма томонидан (Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Украина, Грузия, Эстония, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь), бир гуруҳ шахс-

лар томонидан олдиндан келишган ҳолда (Қозоғистон, Украина, Грузия, Эстония, Туркменистон, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Латвия), жуда кўп миқдорда (Қозоғистон, Арманистон), муқаддам ушбу жиноят бўйича судланган шахс томонидан (Украина, Беларусь), божхона чегарасини ёриб ўтиш орқали (Тожикистон) содир этиш кабилар оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида назарда тутилган.

Фикримизча, ЖКнинг 246-моддасида ҳам оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида **«божхона назоратини амалга ошираётган шахсга нисбатан зўрлик ишлатган ҳолда, такроран, мансабдор шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, жиноий уюшма, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан келишган ҳолда, жуда кўп миқдорда содир этиш»** кабиларни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

А. ЗУФАРОВ,
Тошкент давлат
юридик университети
мустақил изланувчиси

¹Рарог А.И. Субъективная сторона и квалификация преступления. – М., 2001. – С. 12.

²Дядюн К.В. Проблемы толкования и применения критерия «заведомость» при квалификации убийств // Журнал российского права. – 2018. – №5. – С. 88.

³Барбанова О.Н. К вопросу о понятии «заведомости» в российском уголовном праве // Форум молодых ученых. – 2017. – №2(6). – С. 18.

⁴Есаков Г.А. Осознание возраста потерпевшего лица в половых преступлениях: позиция судебной практики // Уголовное право. – 2011. – №6. – С. 15–17; Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2004. – С. 473.

⁵Грунтов И.О. Принцип личной виновной ответственности в уголовном законодательстве. – Минск: Тесей, 2012. – С. 3.

⁶Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Сирдарё тумани суди томонидан 2022 йил 14 июлда кўриб чиқилган жиноят иши

⁷Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Мирзаобод туман судининг 2020 йил 9 июлда кўриб чиқилган жиноят иши.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮҚОРИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА ҚАЙТА КЎРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ислохотлар, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судлов самарадорлигини оширишда тўлиқ намоён бўлмоқда.

Одил судлов – давлат фаолиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқладиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга йўналтирилган, турли хил низоларни ҳал қиладиган давлат органидир.

Судларнинг асосий фаолият йўналиши қонун асосида одил судловни амалга оширишга қаратилган. Яъни, суд жараёнининг фақат қонун асосида олиб борилиши; суд муҳокамасининг (қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари) очиқ олиб борилиши; томонларнинг иштирокисиз суд олиб борилмаслиги; суд иштирокчиларининг барчасига тегишли ҳуқуқ берилиши ва мажбуриятлар юклатилиши одил судловни амалга ошириш учун асос бўлиб ҳисобланади¹.

Жиноят процессида одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши шуни англатадики, суднинг Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатлари ҳеч бир давлат ёки жамоат органи томонидан амалга оширилиши

мумкин эмас ва бундай ҳаракат жавобгарликка сабаб бўлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, одил судловнинг муҳим жиҳатларидан бири унинг фақатгина суд органлари томонидан амалга оширилишидир.

Бу, ўз навбатида, суд қарорлари устидан бериладиган ҳар қандай шикоят айнан судлар томонидан қайта кўриб чиқилиши шартлигини белгилайди. Бу борада «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактда ҳам бирор-бир жиноят учун судланган ҳар бир киши унинг судланиши ва ҳукм қилинишига оид суд қарорини юқори инстанция суди томонидан қонун асосида қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланган².

Айнан одил судловни амалга оширувчи суд органлари жиноятни содир қилишда айбланаётган маълум бир шахсни айбдор деб топиш ва унга жазо чораси ёки қонунда кўрсатилган бошқа таъсир чораларини тайинлаш, шунингдек ноқонуний ва асоссиз жавобгарликка тортилган шахсларни жавобгарликдан озод қилиш масалаларини ҳал қилади.

Ўзбекистонда суд – давлат ҳокимиятининг ўзига хос хусусиятга эга бўлган мустақил тармоғи сифатида намоён бўлади. Суд – ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлиб, ўз табиатида кўра, қонун чиқарувчи ва ижро ҳоки-

миятларидан тубдан фарқ қилади. Суд ҳокимиятининг бошқа тузилмалардан мустақиллиги мамлакатдаги қонун устуворлиги, эркинлик ва адолат ғояларига жиддий эътибор қаратилганлигидан далолат беради.

Жиноят ишларини кўришда судлар томонидан чиқарилаётган ҳукм, ажрим ва қарорлар ҳақида сўз борганда, уларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги таъминланиши шарт. Чунки, суд чиқарган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қадр-қиммати ва аҳамияти ҳам ушбу мезон билан ўлчанади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам берилади. Бунинг учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ҳам, масъулияти ҳам оширилади³.

Қонуний кучга кирган суд қарорларини юқори инстанция судларида қайта кўриш жиноят процессининг асосий босқичларидан ҳисобланади. Жиноят-процессуал ҳукуқи таркибида бу институтнинг аҳамияти ҳам ғоят катта. Унинг аҳамияти ва моҳияти борасида аниқ бир тушунчага эга бўлиш учун юқори инстанция судларида қайта кўришнинг ижтимоий-ҳукуқий асосларини, апелляция, кассация тартибида суд ажрим ва қарорларини бекор қилиш ҳамда ўзгартириш янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатишнинг процессуал воситаларидан фойдаланиш ваколатларига эга бўлган субъектлар, апелляция тартибида қонуний кучга кирмаган, кассация тартибида қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорларни қайта кўришнинг процессуал тартиби, апелляция, кассация тартибида иш кўрган судларнинг қарорлари ва инстанция судларининг ваколатлари, шу-

нингдек янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш тартиби билан боғлиқ бўлган бир қатор ҳукуқий масалаларни билиб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қароридан ташқари, республикадаги ҳамма суд қарорларини юқори инстанция судлари томонидан қайта кўрилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилган. Суд ҳукми, ажримлар ва қарорларни юқори инстанция судларида қайта кўришнинг моҳияти қонуний кучга кирмаган ва кирган қарорларда аниқланган камчиликларни тузатишдан иборат.

Тадқиқотчи Д. Ариповнинг ёзишича, суд ҳокимиятининг мустақиллиги қуйи ва юқори инстанция судлари ўртасида қатъий чегаранинг мавжудлиги, ҳудудийлик, ихтисослик ва босқичлилиқ асосида ҳар бир суднинг мустақиллиги таъминланганлиги, суд таркибининг қонунийлиги ва ўзгармаслиги каби кафолатлар ёрдамида амалга оширилади⁴.

Д. Миразов фикрича, суд босқичларида, юқори турувчи судлар томонидан қуйи судларнинг жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш фаолиятини умумлаштириш ва назорат қилиш, жиноят ишларини апелляция, кассация инстанцияларида кўриб чиқишда намоён бўлади⁵.

Бизнингча, суд ҳукмларини апелляция тартибида қайта кўришнинг моҳияти қонуний кучга кирмаган ва кассация тартибида қонуний кучга кирган ажрим ва қарорларда аниқланган камчиликларни тузатишдан иборат. Бу борада ғайриқонуний ва асослангандан қарор қайси суд томонидан қабул қилингани ва у қабул қилингандан сўнг қанча вақт ўтгани эътиборга олинмайди. Судлар мустақиллиги процессуал кафолатлари

деганда суднинг одил судловни амалга ошириш соҳасида адолатли ва қонуний қарорлар қабул қилиши учун процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларни тушуниш лозим.

Бир сўз билан айтганда, суднинг қонуний кучга кирмаган ва кирган қарорларидаги камчиликлар юқори инстанция судлари томонидан келтирилган шикоят ва протестлар бўйича қайта кўриш билан тузатилади. Бу эса, мазкур институтга эҳтиёж борлигини тасдиқлайди. Шундай экан, бундай ижтимоий-ҳуқуқий зарурат ва эҳтиёжнинг ҳуқуқий асослари хусусида фикр юритишга ундайди.

Фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлашда ортиқча бюрократик тўсиқлар, судларда айрим ишларнинг узоқ муддат чўзилаётгани, кўрилатган ишлар юқори инстанция судлари томонидан ўзгартирилатганлиги ёки бекор қилинганлиги фуқароларда суд тизимига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқараётган эди.

Амалдаги тартиб бўйича туман (шаҳар) судлари томонидан ишлар биринчи инстанцияда кўрилиб, суд қарори қонуний кучга киргунга қадар йигирма кун ичида берилган шикоят асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва уларга тенглаштирилган судларда апелляция тартибида қайта кўриб чиқилади, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция тартибида кўрилгандан кейин мазкур судлар чиқарган, қонуний кучга кирган қарорлар устидан судланувчи, маҳкум ёки унинг қонуний вакили томонидан берилган шикоят ёхуд тегишли суд раиси, прокурор ва унинг ўринбосарлари томонидан киритилган протест асосида Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатларида кассация тартиби-

да қайта кўриб чиқилади. Шунингдек, суд қарорларини тегишли суд раиси ҳамда прокурор ва унинг ўринбосарлари томонидан киритилган протест асосида Олий суднинг судлов ҳайъатларида такроран кассация тартибида қайта кўриб чиқиш тартиби мавжуд.

Судларнинг мазкур тартибга асосан фаолият юритиши, юқори инстанция судлари, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий судида ишларни қайта кўрилиши ҳажм жиҳатидан ҳаддан ташқари ортиб кетишига олиб келган. Мисол учун, 2020 йилда Олий суд томонидан 1291 та иш қайта кўриб чиқилган бўлса, 2021 йилда 7560 тага етди, 2022 йилнинг 1-ярмида 3411 та ишни ташкил этган⁶.

Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда таъминларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Албатта, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш асосида жиноят, фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида унинг нормаларини такомиллаштиришга, жиноят процессига жалб этиладиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини сўзсиз таъминлаш мақсадида илғор халқаро стандартлар

ва хорижий амалиётни имплементация қилишга қаратилган сезиларли ўзгаришлар юз берди⁷.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, кейинги йилларда «инсон кадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармони билан «Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди. Унга кўра, «Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш» номли иккинчи устувор йўналишида қуйидаги вазифалар белгилаб қўйилди:

судлар тизимида «ягона дарча» тамойилини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъи назар, қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал қилишни таъминлаш тизимини жорий этиш;

суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш;

судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш

тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш;

судьялар корпусини шакллантиришда очиклик ва шаффофликни таъминлаш;

суд тизимидаги раҳбарлик лавозимларига тайинлашда сайланиш ва ҳисобдорлик каби демократик тамойилларни жорий этиш;

суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ишларини олиб бориш.

Бундан кўриниб турибдики, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти янада ривожлантириш орқали суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг ижросига тааллуқли муаммоларни ҳал этишнинг таъсирчан механизмлари яратилди.

Бу борада М. Рустамбаевнинг таъкидлашича, суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири жиноят қонунчилигини эркинлаштириш ва де-криминализациялаш, шунингдек жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришдир⁸.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш концепциясини самарали амалга оширишнинг пировард натижаси «Қонун устувор – жазо муқаррар» тамойилини ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборат.

Ш. Хамидов фикрича, суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқлар, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичлари мавжудлиги, суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда⁹.

Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ соҳасида бел-

гиланган вазифаларни изчил амалга оширилиши, жиноят ишларини юқори инстанция судларида қайта кўрилиши-судлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур устувор вазифани рўёбга чиқариш учун суд қарорларини қайта кўриш институтини такомиллаштириш зарурати туғилди.

Тараққиёт стратегиясининг 15-мақсадида мамлакатимизда суд тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, адолатли судловдан фойдаланиш имкониятини оширишга қаратилган вазифалар белгиланган. Мазкур соҳадаги энг устувор вазифа – фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг адолатли судловга ишончини ошириш ва шу орқали Ўзбекистоннинг дунёдаги қонун устуворлигини таъминлаш индекси фаолияти бўйича ривожланган давлатлар қаторига киритишдан иборат. Суд – ҳокимиятнинг мустақил тармоғи сифатида ўз моҳиятига кўра, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятларидан тубдан ажралиб туради ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллиги даражаси мамлакатдаги қонун устуворлиги, эркинлик ва адолат ғоялари нақадар рўёбга чиқарилганлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Фуқароларнинг судга бўлган ишончини оширишда, аввало, судьялар мустақиллиги, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги, суднинг очиқлиги ва шаффофлиги, судьянинг холислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирувчи омиллар мавжуд бўлмаслиги лозим.

Дарҳақиқат, суд фаолияти мустақиллигининг мезонлари сифатида адолатли судлов таъминланганлиги, суд қарорла-

рининг яқуний ва барқарорлиги даражаси, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимояланганлигини кўрсатиш мумкин.

Шу билан бирга, «Янги Ўзбекистон – янги суд» тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги «Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-11-сонли фармони Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишнинг янги даврини бошлаб берди. Мазкур фармон билан 2023–2026 йилларга мўлжалланган стратегия тасдиқланди ва мазкур стратегия суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш асосий ғоясини ташкил этади, уни амалга оширишнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш қуйидагиларни ажратишга имкон беради:

- 1) судни адолат кўрғонига айлантириш;
- 2) суднинг халқ, яъни шахс ва тадбиркорларга манфаатларининг кафолати бўлишига эришиш;
- 3) судлар фаолиятини тарафлар тенглиги, тортишув, холислик тамойили асосида амалга оширилишини таъминлаш;
- 4) судлар фаолиятини рақамлаштиришни янада кенгайтириш;
- 5) судга ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги таъминланиши чораларини кўриш;

6) суд қарорлари ижросини таъминлаш барча учун мажбурийлигини амалда таъминлаш;

7) «халқ, фуқаро ва тадбиркор суддан рози – давлатдан рози» тамойилини рўёбга чиқариш.

Мазкур стратегия билан Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда истиқболли вазифалари белгиланди, шунингдек соҳага илғор халқаро стандартларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Х. Одилқориев фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш, ишларни судда кўриш сифатини яхшилаш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини яратиш (кенгайтириш) фармоннинг бош мақсадидир, деб ҳисоблайди¹⁰.

И.Толибовнинг фикрича, амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар фуқароларнинг овора бўлишини, судларда иш ҳажмининг асоссиз ва мақсадсиз ортишини, энг муҳими, коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг вужудга келишининг олдини олади¹¹.

Бизнинг фикримизча, судларда жиноят ишларини қайта кўриб чиқирилишида бир-бирини такрорловчи инстанциялар бекор қилиниши, фуқароларнинг оворагарчиликлари олдини олиш билан бир қаторда, одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтиришга, суднинг чинакам мустақиллигини, тарафларнинг судда тортишувчанлик ва тенглиги тамойилини тўлиқ таъминлашга, қонун устуворлиги ва одил судлов самарадорлиги бўйича халқаро рейтингларда мамлакатимиз нуфузи ошишига хизмат қилади.

Сўзсиз суднинг юқори инстанцияси, судлов фаолияти устидан назорат қилишнинг муҳим усули бўлиб, судлар йўл қўйган хатоларни тузатишга, тўғри ва ягона суд амалиётини амалга оширишга ёрдам беради¹².

Бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда ушбу институтнинг иккита ижтимоий-ҳуқуқий асослари мавжуд:

биринчидан, суд ҳукми, ажримларидаги камчиликларни апелляция тартибида қайта кўриб ҳал қилиш йўли билан тўла равишда тугатиб бўлмайди. Негаки, суд ҳукми, ажримларининг маълум бир қисмигагина апелляция тартибида шикоят ва протестлар келтирилади ва булар апелляция инстанцияси судларида кўрилади. Бундан ташқари, апелляция тартибида шикоят ва протест кириштиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (ишда иштирок этувчи шахслар, прокурор) томонидан тегишли тартибда шикоят ёки протест келтирилмаганлиги натижасида айрим асослантирилмаган суд ҳукми ва ажрими қонуний кучга киради. Суд томонидан қабул қилинган бундай қарорлардаги камчиликларни апелляция тартибида ўзгартириб ёки бекор қилиб бўлмайди.

иккинчидан, баъзи ҳолларда апелляция инстанцияси судлари ҳам суд ҳукми ва ажримларини қайта кўришда хатоликларга йўл қўяди. Улар томонидан суд ҳукми ва ажримларини қайта кўриб ҳал қилишда судлар томонидан йўл қўйилган камчиликларни шу суднинг ўзи бартараф қила олмайди. Демак, бу судларнинг камчиликларини тузатиш ваколатига эга бўлган кассация тартибида кўриш босқичини янада такомиллаштириш керак бўлади.

Жиноят ишларини юқори инстанция судларида қайта кўриш ваколатига эга бўлган суд органи келтирилган про-

тест бўйича ишни тўла ҳажмда текшириб, кўрилган иш бўйича чиқарилган ва қонуний кучга кирган, кирмаган барча суд ҳукми, ажрими ва қарорларини қанчалик қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилади. Бу масалаларни ҳал қилиш борасида суд қарорларидаги камчиликлар аниқланса, юқори инстанция суди бу камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўради ва шу йўл билан одил судловни амалга ошириш борасида қуйи судларнинг фаолияти устидан раҳбарлик қилади ва қонунларни бир хилда татбиқ этишни таъминлайди. Юқори инстанция судларида иш кўриш ваколатига эга барча судларда ишни қайта кўриш коллегиялик тамойилига асосланади. Лекин, коллегиялик тамойили судларда турлича бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қонуний кучга кирмаган суд ҳукми, ажримларини апелляция тартибида бекор қилиш, қонуний кучга кирган суд ҳукми, ажрими ва қарорларини кассация тартибида бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳуқуқий ҳолатлар,

мазкур судлар томонидан суд қарорларини қайта кўриш учун асос бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ўзгаришлар мазмун-моҳияти жиҳатидан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатлари нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини такомиллаштириш, шунингдек судлар томонидан суд қарорларини қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш билан одил судловни ишончли ва самарали таъминлашдан иборатдир.

Х. КУЧКАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети
«Жиноий-ҳуқуқий фанлар»
кафедраси профессори,
юрidik фанлар бўйича
фалсафа доктори, доцент

¹Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Т.: Адолат, 2009. – Б. 343.

²Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт. 14-модда. <https://lex.uz/docs/2638212#2639031>.

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йилнинг 20 декабридаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси. President.uz.

⁴Арипов Д.Ў. Суд ҳокимияти мустақиллигини ташкилий-ҳуқуқий такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари. Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси. – Тошкент, 2022 й. – Б. 296.

⁵Миразов Д.М. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари. Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси. – Тошкент, 2016 й. – Б. 40.

⁶Б.Ж.Исломов. Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик ҳукмрон бўлиши керак. Тошкент: «Халқ сўзи» газетаси, № 26 (8369). 2023 йил, 8 февраль.

⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси. // «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

⁸Рустамбаев М.Х. Конституция эътирофи – ҳуқуқий онг ва конституциявий маданият тантанаси, жамият равнақи ва истиқболи қафолатидир // Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техник институти Ахборотномаси. – Тошкент, 2019. № 1. – Б. 17.

⁹Ҳамидов Ш. Суд мустақиллигини таъминлаш – муҳим омил. // Одил судлов. – Тошкент, 2020. № 10. – Б. 22.

¹⁰Одилқориев Х.Т. Ўзбекистонда одил судловни қарор топтиришнинг янги марралари. // Жамоат хавфсизлиги илмий-амалий журнали. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги университети, 2021. № 2. – Б. 11.

¹¹Толибов И. Тарихий фармон // Одил судлов. – Тошкент, 2020. № 10. – Б. 17.

¹²Пўлатов Б. Назорат қилишнинг муҳим усули. Ҳаёт ва қонун. 2001, № 4. – Б. 40.

СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

Жиноий иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар далил предмети бўлиб, ишни моҳиятан ҳал қилиш учун аниқланиши керак бўлган фактик маълумотлар йиғиндисидир. Ушбу ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасига¹ биноан қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;

2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексига кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиши;

3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;

5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Жиноят содир этилишига ёрдам берган сабаблар ва шарт-шароитлар ҳам аниқланиши керак. Солиқ жиноятларини тергов қилишда ушбу ҳолатлар қонунда назарда тутилган жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир.

Ҳодиса содир бўлган ҳақиқий ҳолатларни, шахснинг хатти-ҳаракатларини, уларнинг мотивлари ва оқибатлари-

ни аниқламасдан туриб, жиноят содир этилганми ёки йўқлигини, шахснинг айбдорлигини ва қандай жазо тайинланиши кераклигини аниқлаш мумкин эмас.

Солиқ соҳасидаги жиноят ишларини тергов қилишда исботланиши керак бўлган ҳолатлар доирасидан «асосий факт» деб аталадиган нарсаси, яъни жиноят содир бўлган воқеа, муайян шахснинг ҳаракати билан боғлиқ ҳолатларнинг йиғиндиси ажратилади (шахслар), унинг (уларнинг) айби².

Ушбу «асосий факт» терговчи, прокурор, суд олдида турган учта асосий саволда ифодаланади:

1) тегишли ҳаракат содир этилганлиги исботланганми;

2) ушбу қилмишнинг аниқ шахс (айбланувчи, судланувчи) томонидан содир этилганлиги исботланганми;

3) ушбу шахс мазкур қилмишни содир этишда айбдорми ёки йўқми.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш содир этилганлигини исботлаш кўрсатилган жиноятни тавсифловчи ҳолатларни аниқлашни талаб қилади. Буларга: жиноят содир этилган вақт, жой, усул ва бошқа ҳолатлар киради.

Аксарият ҳолларда солиқ жиноятлари солиқ инспекторлари, жамғармалар (пенсия, ижтимоий суғурта ва бошқалар) раҳбарларининг, солиқ тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатларга гувоҳ бўлган фуқароларнинг ҳисоботларида ва ҳоказоларда кўрсатилади. Бироқ, бу ҳодиса-

нинг белгиси бундай хабарда жиноят содир этилганлигини исботлаш, унинг барча ҳолатларини аниқлаш заруриятини истисно этмайди.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш усули ушбу жиноятнинг элементиدير, Чунки, кодекс ва қонунда даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаслик ёки декларацияга даромадлар ёки харажатлар тўғрисида атайлаб бузиб кўрсатилган маълумотларни киритиш йўли билан бўйин товлаш аниқ белгилаб қўйилган ва «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинadиган даромад солиғи тўғрисида»ги қонунда декларация топшириш мажбурий бўлган ҳолатлар баён қилинган.

Криминалистик адабиётлар солиқ тўлашдан бўйин товлаш усулини исботлашда қуйидаги ҳолатларни аниқлаш зарурлигини кўрсатади:

1) даромадларни кам баҳолаш ва (ёки) харажатлар тўғрисидаги маълумотларни нотўғри тақдим этиш ёки бошқа солиқ солиш объектларини яшириш;

2) бухгалтерия ҳужжатларида даромадлар ёки харажатлар тўғрисидаги маълумотлар бузилган ёки бошқа солиқ солиш объектлари яширилган:

- бу маълумотлар фақат солиқ ҳисоб-китобларида бузиб кўрсатилганми ва солиқ инспекциясига тақдим этилган бухгалтерия ҳисоботларида тўғри акс эттирилганми;

- улар бир вақтнинг ўзида солиқ ҳисоб-китобларида ва солиқ инспекциясига тақдим этилганми

соби-китобларида ва солиқ инспекциясига тақдим этилган бухгалтерия ҳисоботларида бузиб кўрсатилганми, лекин баланс ва аналитик бухгалтерия ҳужжатларида тўғри акс эттирилганми;

- улар бир вақтнинг ўзида солиқ ҳисоб-китобларида, молиявий ҳисоботларда, балансларда бузиб кўрсатилганми, лекин бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида тўғри акс эттирилганми;

- даромадлар ёки харажатлар тўғрисидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш ёки бошқа солиқ солиш объектларини яшириш бирламчи ҳужжатлардан бошланганми, кейин эса бу бузиб кўрсатилган маълумотлар юқорида кўрсатилган бошқа ҳужжатларга киритилганми;

- бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини тузмаган ҳолда даромадлар ёки бошқа солиқ солиш объектлари тўғрисидаги маълумотлар яширилганми;

- бошқа солиқ солиш объектларини яшириш бошқа усуллар билан содир этилганми³.

Солиқ жиноятларини содир этиш усулини белгилашнинг бундай схемаси жуда мақбул, аммо бу ҳолда биз фақат қайси ҳужжатларда солиқ солиш объектлари тўғрисидаги маълумотларнинг бузилиши акс эттирилганлиги ҳақидаги саволга жавоб берамиз. Кўриниб турибдики, усул ҳақидаги маълумотлар бу ҳолат билан чекланмаган.

Усулни жиноят субъектлари, шунингдек жиноят содир этиш воситалари ўртасидаги тажовуз объекти билан алоқалар ва муносабатлар тизими си-

АННОТАЦИЯ

Мақолада солиқ соҳасидаги жиноятларни аниқлашда исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг мазмун-моҳияти ёритилган бўлиб, уларнинг исботланиши жиноятни квалификация қилишдаги аҳамияти баён этилган. Шунингдек, жиноят содир этилишига ёрдам берган сабаблар ва шарт-шароитлар борасида фикр юритилган.

Калит сўзлар: ҳолат, солиқ, жиноят, исботлаш, хавф, ҳужжат, мотив, даромад, субъект.

фатида тушунишга асосланиб, уни белгилаш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш учун қуйидаги саволларга ҳам жавоб бериш керак:

- қанча жинойтчилар бор эди ва уларнинг роллари қандай тақсимланган;
- уларнинг ҳар бири томонидан қандай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва қандай кетма-кетликда амалга оширилган;
- субъектларнинг ҳаракатлари қандай ўзаро боғлиқ эди;
- қайси солиқ солиш объектлари яширилган;
- тажовуз объектига қандай таъсир кўрсатди (эътибор бермаслик, бузиш, ниқоблаш).

Солиқ жинойтини содир этиш вақти криминалистик белгиларининг элементи сифатида вақт билан чекланмайди: йил, ой, сана. У ҳодисанинг бошқа элементлари билан муносабатларининг умумийлигида кўриб чиқилади. Бундай ҳолда, у маълум бир даврийлик билан боғлиқ. Жинойтнинг тугаш вақти солиқни амалда тўламаган вақт ҳисобланади. Бироқ, солиқ жинойтининг тугаш ва солиқ тўлаш вақти бир хил нарсаси эмас. Солиқ жинойти содир этилган вақтни аниқлаш учун қуйидаги саволларга жавоб бериш керак:

- солиқ органига маълумотларни тақдим этиш ва солиқ ёки суғурта мукофотини тўлаш қандай муддатларда амалга оширилган;
- солиқ органига тегишли ҳужжатлар тақдим этилганми;
- ҳаракатлар содир этилганда, бунинг натижасида солиқ солиш объектлари тўғрисидаги маълумотлар бузилганми;
- молиявий ва хўжалик операциялари амалга оширилганда, улар тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилганми;
- қайси солиқ даврида (даврларида)

солиқ солиш объектлари яширилган ва солиқлар тўланмаган⁴?

Жинойт содир этган шахс ва унинг айби (жинойтнинг субъектив томони) аниқланиши керак. Ҳар қандай шаклдаги ва турдаги мол-мулкка солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик солиқларни тўлаш тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштириш ва солиқ органларига тақдим этиши шарт бўлган, тегишли ҳужжатларга объектлар тўғрисида атайлаб бузиб кўрсатилган маълумотларни киритган раҳбарлар зиммасига юкланади. Чунки, солиққа тортиш, солиқ солинадиган базани ноқонуний равишда камайтириш уларнинг имзолари билан тасдиқланади. Қоидага кўра, бухгалтерия ҳужжатларини тўлдирувчи ва имзолаган ташкилот раҳбари, бош бухгалтер, бухгалтерлар, кассирлар, молиявий жавобгар шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.

Ташкилотлардан солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун раҳбар ва бош бухгалтер вазифаларини ҳақиқатда бажарган шахслар ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундай шахслар ташкилот билан расмий равишда меҳнат муносабатларида бўлиши мумкин эмас. Солиқ жинойтини содир этишда нафақат бевосита айбдорлар, балки жинойтни содир этишни ташкил этган ёки ушбу жинойтга раҳбарлик қилган ёхуд солиқ тўловчи ташкилот раҳбарини, бош (катта) бухгалтерини уни содир этишга кўндирган шахслар ҳам иштирок этиши мумкин. Маслаҳат, кўрсатма ва ҳоказолар билан жинойт содир этишда ёрдам берган бундай шахслар ташкилотчи, қўзғатувчи ёки шерик сифатида жавобгар бўлади.

Шундай қилиб, солиқ жинойтини содир этиш фактини исботлашда жинойтнинг предмети билан боғлиқ бўлган

қуйидаги ҳолатларни аниқлаш керак:

- айбланувчи ёки судланувчи қандай лавозимни эгаллаган;
- унинг (уларнинг) вазифалари қандай эди;
- қандай норматив ҳужжатлар унга (уларга) тегишли ҳужжатларни тузиш ва тақдим этиш мажбурияти юклаган ва ҳоказо;
- судланувчилардан қайси бири жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи аниқ ҳаракатларни амалга оширган (бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари, баланслар, бухгалтерия ҳужжатларига бузиб киришган, солиқни бюджетга ўтказмаган ва ҳоказо);
- агар судланувчилар ташкилот билан меҳнат муносабатларини расмийлаштирмаган бўлса, улар аслида қандай функцияларни бажарган;
- уларнинг ташкилот ходимлари билан муносабатлари қандай эди⁵?

Солиқ жиноятларини содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш учун қилмишнинг субъектив томонини тавсифловчи, яъни қилмиш солиқларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида қасддан содир этилганлигини тасдиқловчи фактлар аниқланиши керак. Субъектив томоннинг ушбу белгиларидан ташқари, жиноят мотивларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ жиноятларининг мотивлари, мақсаддан фарқли ўлароқ, турли хил бўлиши мумкин: ғаразли ният, жамоа ва корхонанинг нотўғри тушунилган манфаатлари ва бошқалар. Бу ҳолатда жиноятни квалификация қилиш учун мотив муҳим бўлмаса-да, у жазо тайинланишига таъсир қилиши мумкин.

Терговчи суд томонидан жазони енгиллаштирувчи ва қонунда назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам аниқлаши эҳтимоли йўқ эмас. Солиқ

жиноятларини тергов қилиш ва суд томонидан кўриб чиқишда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар қуйидагилар бўлиши мумкин: такроран жиноят содир этиш, фаол иштирок этиш, гуруҳ ёки уюшган гуруҳ таркибида олдиндан тил бириктириб жиноят содир этиш ва ҳ.к..

Содир қилинган қилмиш ва унинг натижасида келиб чиқадиган жиноий оқибатлар, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, шунингдек бошқа тегишли фактлар ўртасида сабабий боғлиқлик мавжудлиги исботланиши керак. Солиқ жиноятларидан келиб чиқадиган зарар давлат солиқларнинг тегишли суммаларини олмаганлигидан иборат.

Бунда, жиноятнинг квалификацияси, шунингдек айбдорлик даражаси ва жазонинг оғирлиги етказилган зарар миқдорига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, солиқ тўлашдан бўйин товлашни тергов қилишда тўланмаган солиқ суммаси энг кам миқдоридан ошиб кетган жиҳатни ташкил этганлигини, акс ҳолда қилмишда жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд эмаслигини кўрсатадиган фактларни аниқлаш керак.

Бунинг учун қуйидаги саволларга жавоб бериш керак:

- солиқ солиш объектлари қандай миқдорда яширилган;
- ҳар бир солиқ солиш объектига нисбатан қандай солиқ ставкаси қўлланилади;
- қанча солиқ тўланмаган?

Қоидага кўра, солиқ тўламаслигининг асосий сабаби ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги, ҳаддан ташқари моддий эҳтиёжлар, қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги сабабли солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ сиёсатига салбий муносабати ҳисобланади.

Бир томондан, жамият ва давлат манфаатлари, иккинчи томондан, мулкдорнинг манфаатлари ўртасидаги солиқ жиноятларининг асосий сабаблари қуйидагилар билан ифодаланади: беқарор иқтисодий вазиятда, ўзаро тўловлар амалга оширилмаган тақдирда, алоҳида корхоналарнинг ўсиб бораётган солиқларни тўлаш қобилияти пасайиши; солиқ қонунчилигининг номукамаллиги солиқ жиноятлари сонининг кўпайишига олиб келадиган мустақил сабабдир.

Жиноятнинг предмети – бу ҳуқуқбузар ўз фаолияти натижасига эришиш учун унга таъсир кўрсатадиган объект (объект, атрофдаги моддий дунё предмети). Жиноят содир этишда субъект жуда кўп миқдордаги турли хил объектларга таъсир қилиши мумкин. Масалан, ўғирлик содир этганда, у жиноят содир бўлган жойга етиб бориш ва у ердан қочишда транспорт воситасидан, хонага кириш учун турли хил воситалардан фойдаланиши, кулфни ёки бошқа кулфлаш мосламасини бузиши, эшик ёки деразаларни шикастлаши ва ҳоказо. Ҳуқуқбузар атрофидаги кўплаб объектларга таъсир кўрсатишига қарамай, фақат у эгалик қилган мулк жинойи тажовузнинг предмети бўлади.

Ҳар қандай давлат муайян моддий ва молиявий базага эга бўлгандагина мавжуд бўлиши мумкин. Оддий қилиб айтганда, у ўз иродаларини сақлаш ва ўз функцияларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган харажатларни қоплаш учун пулга эҳтиёж сезади. Пул ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)ни сотиш, яъни моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш орқали олиниши мумкин. Бироқ, давлат фаолияти ўз моҳиятига кўра, бошқарув фаолиятига тегишли бўлиб, бу жараёнда товар шаклида янги

қиймат яратилмайди. Бошқача айтганда, маълум бир давлат хизматчисининг, хусусан, бутун давлат аппаратининг меҳнати қиймати пул билан ифодаланган ўша маҳсулот (товар)ни яратмайди.

Давлатнинг ўз маблағларини олиш усуллари жуда кўп. Баъзи ҳолларда у ўз эгаси томонидан давлатга ихтиёрий равишда пул ўтказишга асосланган усулдан фойдаланади. Ушбу усулнинг классик намунаси – давлат кредитлари (ички ва ташқи). Бошқаларида эса, давлат ўз мулкидан фойдаланишдан даромад олади (масалан, ўзига тегишли бўлган ер участкаларини ижарага беради, бунинг учун тўлов олади). Учинчидан, у ўзининг сотувчи вазифасини бажариб, баъзи хизматлари учун ҳақ олади. Ушбу рўйхатни давом эттириш мумкин, аммо замонавий давлат ўзи учун зарур бўлган маблағларни олишнинг асосий усули бу солиқлардир.

«Солиқ» атамаси узоқ вақтдан бери ҳуқуқий ҳужжатлар матнларида ҳам, адабиётларда ҳам жуда тез-тез қўлланилади. Бироқ, бу концепциянинг мазмуни мунозарали бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, солиқнинг тўғри таърифи жуда муҳимдир. Энг аввало, солиқни бюджетга тўланадиган бошқа тўлов турларидан чегаралаш ва ҳар бир тўлов турига ушбу тўловнинг иқтисодий моҳиятига мос келадиган ҳуқуқий режимни бериш керак. Бундан ташқари, бу савол расмий сабабларга кўра муҳим бўлиши мумкин. Демак, маълум бир мамлакатда белгиланган тартиб туфайли солиқ ва йиғимлар турли давлат органлари томонидан (биринчиси, масалан, парламент томонидан, иккинчиси ҳукумат томонидан) киритилиши. Улар турли хил маблағларнинг фойдали манбалари бўлиши ва уларни тўламаганлик учун қонуний жавобгарлик ва бошқалар белгиланиши мумкин.

Ўзига хос иқтисодий мазмун ва ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган солиқлар мажбурий тўлов турларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, «солиқлар» таркибига «солиқсиз тўловларни» киритиш мантиқнинг элементар қонунларига зид бўлишини англатади. Ва ниҳоят, Солиқ кодекси «солиқ» ва «йиғим» тушунчаларини ажратиб туради, шунингдек «бошқа мажбурий тўловлар» тоифасини киритади, бунда йиғимлар ва тўловлар каби мажбурий ажратмалар тушунилади. Шунинг учун, ҳатто расмий нуктаи назардан ҳам, «давлат божи» каби мажбурий тўлов бир вақтнинг ўзида солиқ бўлиши мумкин эмас.

Солиқ жиноятлари солиққа тортиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларга тажовузда англашилади:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш жараёнида;
- уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши устидан назоратни амалга оширишда.

Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларида жиноят натижасида етказилган зарар қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланиши лозим бўлган айрим маблағларнинг давлатга тушмаслиги ёки узоқ муддатда келиб тушишидан иборат бўлади. Бироқ, бу маблағларни муайян нарса шаклида ажратиш мумкин эмас. Улар солиқ солиш объекти (солиқ базаси) харажат хусусиятларининг маълум бир қисмида ифодаланган мавҳумликни акс эттиради.

Лекин, солиқ нарса ёки моддий олам объекти эмас, балки бир қатор элементларни (солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, солиқ ставкаси, ҳисоблаш тартиби ва бошқалар) ўз ичига олган мураккаб тизимдир. Буларнинг барчаси солиқ жиноятларини содир этишда тажовуз субъектининг муҳим ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунчани шакллантиради, уни фазовий жиҳатдан аниқланган нарса сифатида ажратиб бўлмайди⁶. Ушбу ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда, солиқ тўлашдан бўйин товлашда ҳуқуқбузарлик субъектини тавсифлашда жиноятчи томонидан таъсир кўрсатадиган (яширин, ниқобланган, бузиб кўрсатилган ва ҳоказо) солиққа тортишнинг барча асосий элементларини ҳисобга олиш керак бўлади.

Хулоса шуки, аксарият ҳолларда солиқ жиноятларининг объекти аниқланади. Шу билан бирга, жиноий солиқ тўлашдан бўйин товлашни тавсифлашда муаллифлар тегишли ижтимоий муносабатларни бузадиган жиноий тажовуз субъектини деярли эслатиб ўтмайди.

А. ҲАМРАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси

¹<https://lex.uz/acts/-111460>.

²Алмазов С.Н. Налоговая реформа: общественная оценка путей и способов осуществления // Финансы. 1995. № 12. – С. 10.

³Астапкина С.М. Криминалистика. Расследование преступлений в сфере экономики. — Н. Новгород, 1995. – С. 78.

⁴Бедняков Д.И. Не процессуальная информация и расследование преступлений. — М.: Юрид. лит. 1991. – С. 56.

⁵Белкин Р.С. Криминалистика: проблемы, тенденции, перспективы. От теории к практике. — М.: Юрид. лит., 1988. – С. 90.

⁶Кучеров И.И. Налоговые преступления. Учебное пособие. М., ЮрИнфоР. 1997. – С. 134.

КИБЕРЖИНОЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг инфратузилмалари кўпайиб бормоқда. Бироқ, ушбу инфратузилмага ноқонуний кириш ва унга зарар келтириш имконини берувчи махсус воситаларнинг Ўзбекистон бозорига ноқонуний равишда турли айланма йўллар орқали кириб келиши ва республика мизнинг ўзида ҳам бу каби воситаларнинг ноқонуний яратилаётгани ушбу соҳадаги ислохотларнинг кейинги ривожига жуда катта тўсиқ бўлиб турибди.

Статистик маълумотларга кўра, оғир кибержиноятларнинг деярли барчаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида яратилган инфратузилмаларнинг ривожланишига ҳалақит бериши бу соҳада янада огоҳ бўлишимизни тақозо этади. Хўш, бу каби ноқонуний қилмишлар учун жавобгарлик миллий қонунчилигимизда белгиланганми?

Жиноят кодексининг 278³-моддасида назарда тутилган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга ҳилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-137-сонли қонуни билан киритилган.

Мазкур модда жиноят қонунчилиги-

га дастлаб киритилган вақтида компьютер тизимидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, деб номланган бўлса, 2018 йилда компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, деб номи кенгайтирилган.

Шунингдек, ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак ва махсус ваколатли орган, яъни Рақамли технологиялар вазирлиги ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини амалга оширади¹. Бундан ҳулоса шуки, давлат ўзининг мажбурлов ва регуляторлик функциясига таянган ҳолда, ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши учун ҳам жиноят қонунчилигида тегишли жавобгарлик белгилаб қўйилган. Бироқ, ушбу модда бўйича амалиётда учраётган ҳолатларни тергов қилишда бир қатор муаммоларнинг борлиги, мазкур моддани чуқурроқ ўрганишимиз зарурлигини кўрсатади.

Хусусан, Жиноят кодекси (ЖК) 278³-моддасининг рус ва давлат тилларидаги таҳрири турлича мазмунга эга, яъни рус тилидаги шаклида модда – «изготовление

с целью сбыта либо сбыт и распространение специальных средств для получения незаконного (несанкционированного) доступа к компьютерной системе, а также к сетям телекоммуникаций», деб номланган ҳолда, у ўзбек тилига расмий равишда «компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш», деб таржима қилинган.

Агарда ушбу таржимага оид муаммо келиб чиқса, уни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунига асосан, ўзбек тили давлат тили, шу сабабдан ҳам Жиноят кодекси 278³-моддасининг давлат тилидаги шакли тўғри, рус тилидаги шакли нотўғри деб айтишимиз мумкин. Аммо, мазкур модданинг рус тилидаги таҳрири аниқроқ мазмунга эга эканлиги, шу пайтга қадар деярли кўпчилик қонунчилик ҳужжатларининг лойиҳалари рус тилида тайёрлангани туфайли ҳулоса қилишимиз мумкинки, ушбу модданинг давлат тилидаги шакли билан келишиб бўлмайди. Масаланинг нечоғлик чуқур эканлигини тушуниш учун хорижий тажрибага назар ташласак, қуйидагиларга гувоҳ бўламиз.

Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 255-моддасида компьютер тизимидаги маълумотларга ноқонуний кириш ихтисослашган махсус воситаларни ишлаб чиқариш ёки сотиш², Беларусь Жиноят кодексининг 353-моддаси³ ва Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 302-моддасида⁴ компьютер тизими ёки тармоғига рухсатсиз кира оладиган махсус воситаларни ишлаб чиқариш ёки сотиш, Грузия Жиноят кодексининг 286-моддасига асосан, компьютер маълумотларидан ва компьютер тизимини бузганлик⁵, Украина Жиноят кодексининг 363¹-моддасида электрон-ҳисоблаш машиналари, автоматлаштирилган тизимлар, компьютер тизими, тармоғи ёки

электрон алоқа тармоғида электроналоқа хабарларини оммавий тартибда тарқатиш орқали уларнинг ишлашига ҳалақит қилганлик учун жавобгарлик белгиланган⁶. Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади⁷. Бироқ, Жиноят кодекси 278³-моддасининг давлат тилидаги шакли матни жуда мураккаб ва тушунарсиз баён қилинганлиги бу борада бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунга кўра, мазкур модданинг давлат ва рус тилларидаги таҳририга аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

ЖКнинг 278³-моддасида кўрсатилган компьютер тизими, шунингдек компьютер тизимидан ва телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, махсус воситаларни ўтказиш тушунчалари, уларнинг механизми миллий қонунчиликда белгилаб қўйилмаганлиги терговда бир қатор муаммоларни вужудга келтирмоқда. Шу пайтга қадар тергов ва суд органлари ўз фаолиятини амалга оширишда ижтимоий ҳавфли қилмишни амалга оширилганлиги фактидан келиб чиқиб, ишга мутахассисни жалб қилиб келишади, у эса, компьютер ёки телекоммуникация воситалари муклдори жиноятчидан ўзга шахс эканлиги сабабли амалда жиноятчи ушбу қилмишни содир этган деган ўз ҳулосасини беради. Фикримизча, бу ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди, сабаби, аввало, қонунчилигимизда компьютер тизими ва телекоммуникация тармоқларига нималар кириши ҳақидаги аниқ рўйхат мавжуд эмас. Шунингдек, қандай ҳолатларда мазкур тармоқлардан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш мумкин-у, қандай ҳолатларда компьютер тизими ва телекоммуникация тармоқларидан қонунга мувофиқ ҳолда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида аниқ чегара белгиланмаган. Қолаверса, жиноят қонунчилигида назарда тутилаётган тушунчаларнинг мазмун-моҳияти кодекснинг

VIII бўлимида назарда тутилган бўлиши керак. Бирок, ЖКнинг 278³-моддасида назарда тутилган «компьютер тизими», «компьютер тизими ёки телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш» каби тушунчаларнинг моҳияти кодекснинг VIII бўлимида ёки миллий қонунчиликда белгилаб қўйилмаганлиги бу борада жиддий норма ижодкорлигини амалга ошириш зарурлигини кўрсатади.

Маълумки, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқа-

тиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар ахборот технологияси, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари ахборот тизими⁸, узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшитти-

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Ўзбекистонда киберхавфсизликни таъминлашнинг самарали йўллари ва механизмнинг мазмун-моҳиятини очиқ беришга бағишланган.

Ушбу мақолада ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғига қонунга ҳилоф (рухсатсиз) киришни кўзлаб ёки уларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш мақсадида махсус воситаларни тайёрлаш, сақлаш, ўтказиш, реклама қилиш, сотиш, тарқатиш ёки улар орқали ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғининг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш жиноятининг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик тавсифи кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғига қонунга ҳилоф (рухсатсиз) киришни кўзлаб ёки уларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш мақсадида махсус воситаларни тайёрлаш, сақлаш, ўтказиш, реклама қилиш, сотиш, тарқатиш ёки улар орқали ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғининг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш жинояти, киберхавфсизлик, кибержиноятчилик, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик.

Данная статья посвящена разъяснению сущности и важности эффективных путей и механизмов обеспечения кибербезопасности в Узбекистане.

В данной статье изложены уголовно-правовые и криминологические характеристики преступления, подготовка, хранение, передача, реклама, продажа, распространение специальных средств с целью незаконного (несанкционированного) доступа к системе и сети информационно-коммуникационных технологий, либо препятствования их нормальной работе и работе системы, а также сети информационно-коммуникационных технологий.

Ключевые слова: преступление, подготовка, хранение, передача, реклама, продажа, распространение специальных средств с целью незаконного (несанкционированного) доступа к системе и сети информационно-коммуникационных технологий, либо препятствование их нормальной работе и работе системы, а также сети информационно-коммуникационных технологий, кибербезопасность, киберпреступность, преступление, административное правонарушение.

This article is devoted to explaining the essence and importance of effective ways and mechanisms to ensure cybersecurity in Uzbekistan.

This article outlines the criminal law and criminological characteristics of the crime preparation, storage, transfer, advertising, sale, distribution of special means for the purpose of illegal (unauthorized) access to the system and network of information and communication technologies, or to impede their normal operation, systems' operation and networks of information and communication technologies.

Keywords: the crime preparation, storage, transfer, advertising, sale, distribution of special means for the purpose of illegal (unauthorized) access to the system and network of information and communication technologies, or to impede their normal operation, systems' operation and networks of information and communication technologies, cyber security, cybercrime, crime, administrative offense.

риш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи телекоммуникациялар тармоғи⁹, хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиш билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳаракатлар, қоидалар, ахборотни яратиш, узатиш, бошқариш ва унга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган барча технологиялар, коммуникация қурилмалари, шунингдек уларни бирлаштирган соҳалар мажмуи¹⁰, тугунлар ва уларни бирлаштирувчи шохчалар чизмаси тармоғи¹¹, маълум натижага эришиш учун бирлаштирилувчи бир бутун ёки жами турли хил объектлар сифатида ўрганилувчи ихтиёрий объект тизими¹² ҳисобланади. Бундан чиқадики, биз шарҳлаётган жинойт қонунчилиги моддаси истаган ахборот технологияси ёки коммуникациялари орқали ёки уларга нисбатан содир этилиши мумкин. Бунинг натижасида қонун билан ҳимояланган ҳуқуқларга путур етади.

Шунга кўра, фикримизча, жинойт қонунчилигимизда компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш учун деб номланган ЖК 278³-моддасининг номини қайта кўриб чиқиш ва қуйидагича таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

«Ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғига қонунга хилоф (рухсатсиз) киришни кўзлаб ёки уларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш мақсадида махсус воситаларни тайёрлаш, сақлаш, ўтказиш, реклама қилиш, сотиш, тарқатиш ёки улар орқали ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғининг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш».

Олим М. Рустамбаевнинг фикрига асосан, мазкур жинойтнинг квалификация қилаётганимизда унинг ҳозирги кўрини-

шига эътибор берган ҳолда, компьютер ахборотининг хавфсизлигини ва ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки уларнинг тармоқлари нормал ишлашини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлар деб таъриф берилган¹³. Шунга кўра, мазкур жинойт жуда кенг тушунча бўлиб, электрон ҳисоблаш машинаси эса, масалаларни ечиш учун ягона муҳитни ташкил қиладиган, компьютер ва теле-коммуникация ускунаси, шунингдек дастурий воситалар комплекси бўлиб¹⁴, бунда бошқа ахборот технологиялари ва коммуникациялари тизими ёки тармоғига нисбатан ҳам мазкур жинойт амалга оширилиши мумкин. Шундай экан, биз ахборот-коммуникация тармоғи ва тизимининг нормал ишлашини таъминлашга ва уларни муҳофаза қилишга доир барча ижтимоий муносабатлар мазкур жинойтнинг объекти бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги жинойт қонунчилигида юқоридаги модда жуда тор тушунчаларни ўзида қамраб олганлиги, қайси технологияларнинг телекоммуникация тармоғига ёки қайсилари компьютер тизимига кириши ҳақидаги қоидаларнинг белгилаб қўйилмаганлиги, ижтимоий муносабатларнинг кейинги ривожига ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланаётганлиги, ушбу соҳадаги муносабатларни ягона тушунчага боғлаш орқали бу соҳада бўлаётган ижтимоий хавфли қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик чоралари белгилаб қўйишга амалиёт эҳтиёж сезаётганлигини инобатга олган ҳолда, жинойт қонунчилигида қўлланган компьютер тизими ва телекоммуникация тармоғи тушунчаларидан воз кечиб, ушбу тушунчаларни ўзида тўлиқ қамраб олган ва бу каби бошқа тушунчаларни ҳам ўзида бирлаштирувчи ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғи тушунчасини жинойт қонунчилигимизда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу тушунчанинг белгилаб қўйилиши бу борада

бўлиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олиниши, аниқланиши, қолаверса, уларни квалификация қилинишида суриштирув, тергов ва суд органларига жуда катта ёрдам беради ҳамда уларнинг бу каби жиноятларни ахборот-коммуникация тармоғи ва тизими деган тушунчанинг моҳиятини англаган ҳолда тергов қилишларига ёрдам беради. Натижада, шу орқали жиноят қонунчилигидаги қонунийлик принципи янада мустаҳкамлаб қўйилади.

Ушбу жиноятнинг қай тарика амалга оширилганлигини аниқлашда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг қай тарика муҳофаза қилинганлигини аниқлашга оид ягона тартибнинг мавжуд эмаслиги олдимизда турган бир қатор муаммолар борлигини кўрсатади. Хусусан, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш тартиби бўйича ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳали-ҳануз ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими мазкур ҳолатни белгиловчи нормалар билан аниқланиши 2003 йилдаёқ қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган эди¹⁵. Шунга биноан, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режимини акс эттирувчи ягона ҳужжат ишлаб чиқиш, унда ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, ҳимояланган тизим ҳуқуқий ҳолати, ахборот-коммуникация технологиялари, тизими, тармоғи, муҳофазаси каби тушунчаларнинг ягона таърифи, уларни қўллаш механизми, ахборот-коммуникация технологиялари, тизими ва тармоғига кирувчи технологияларнинг ягона реестрини белгилаб қўйиш таклиф этилади. Айнан мана шу қоидаларнинг белгилаб қўйилиши тергов ва суриштирув органлари учун дастурил-амал бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолатларда мазкур жиноят натижасида келиб чиққан зарарни аниқлашда ва бу

тоифадаги жиноятларга нисбатан жиноят ишини қўзғатишда суриштирув, тергов ва суд органлари ушбу зарар жиноятчининг ҳаракати натижасида ёки жабрланувчининг ҳаракатсизлиги оқибатида келиб чиққан ёки чиқмаганлигига эътибор қаратишмайди ва энг муҳими, экспертиза натижасида жабрланувчига етказилган ҳақиқий зарарни бир томонлама аниқлашга ҳаракат қилинади. Шунга кўра, экспертиза ўтказиш ҳақидаги қарорда мазкур органлар ҳақиқий зарар айнан қай тарика келиб чиққанлиги ва бунда жабрланувчининг эҳтиётсизлиги жиноятни амалга оширишга имкон берган ёки бермаганлиги, ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғи махсус ҳимояланган ёки ҳимояланмаганлиги, зарар айнан қай тарика вужудга келганлиги ҳолатига оид аниқ саволларга жавоб бериш талаб этилади. Мисол учун, ушбу жиноятни амалга ошириш бошланмасдан олдин жабрланувчи ўзига нисбатан киберҳужум бўлиш хавфини сезиб ўз технологиясини зудлик билан тармоқдан узиши оқибатида ўз инфратузилмасига эҳтиётсизлик туфайли зарар етказган бўлса, буни жиноят оқибатидаги зарар деб баҳоланмаслигини унутмаслигимиз керак.

Мазкур жиноят қачонки ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғига қонунга хилоф (рухсатсиз) киришни кўзлаб ёки уларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш мақсадида махсус восита ишлаб чиқилган ёки тайёрланганидан бошлаб ёки саклаш учун қабул қилинган ёхуд топширилганидан бошлаб ёки реклама қилиш учун жойлаштирилганидан ёхуд бошқа шахсга ўзга усулларда ўтказилган ёки ўзгача тарқатилган ёхуд улар орқали ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғининг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш бошланганидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Шунга кўра, ушбу жиноят фикримизча, объектив томондан ахборот-ком-

муникация технологиялари тизими ва тармоғига қонунга ҳилоф (рухсатсиз) киришни кўзлаб ёки уларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш мақсадида махсус воситаларни тайёрлаш, сақлаш, ўтказиш, реклама қилиш, сотиш, тарқатиш ёки улар орқали ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғининг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш орқали содир этилади.

Мазкур жиноят субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади ва бунда жиноятчи ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғига қонунга ҳилоф (рухсатсиз) киришни кўзлаб ёки уларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш мақсадида махсус воситаларни тайёрлаётганлигини, сақлаётганлигини, уни ўзга шахсга ноқонуний ўтказётганлигини, реклама қилаётганлигини, сотаётганлигини, тарқатаётганлигини ёки улар орқали ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғининг нормал ишлашига тўсқинлик қилиши мумкинлигини англайди ва буни оқибатларини билган ҳолда шундай бўлишини хоҳлайди.

Жиноят субъекти амалдаги жиноят қонунчилигимизга асосан, 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади, бироқ бу тоифадаги жиноятларни 16 ёшдан кичик бўлган шахслар ҳам амалга ошириши мумкинлигини, ихтиро ёш танламаслигини, фуқаролик қонунчилиги бўйича 14 ёшдан катта, аммо 18 ёшдан кичик шахслар ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларининг розилигисиз ўз иш ҳақи ва бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифлик ҳуқуқини амалга оширишга ҳақли эканликларини инобатга олиб, ушбу жиноят учун жавобгарлик ёшини 14 ёш этиб белгилаш таклифини берамиз.

Мазкур жиноят учун жазо тайинлашда унда тайёргарлик кўриш ёки суиқасд

этиш вақтини аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур ҳолатлардан бирида содир этилган бўлса, жиноят учун жазо ЖК 278³-моддасининг санкциясида белгиланган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Бундан оммавий қирғин қуроли яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган ускуналарни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлаш мустасно. Мазкур ҳолатда жиноятлар ушбу модда билан эмас, балки контрабанда билан боғлиқ модда, яъни ЖКнинг 246-моддасига асосан жазо тайинланади¹⁶. Жиноятнинг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилиши ва бунда жиноятчи ўзининг қилмишини амалга ошириш учун зарур билимга ҳамда имкониятларга эга бўла туриб, ўз қилмишини осонликча амалга ошириши мумкинлигини қонун чиқарувчи ҳокимият олдиндан эътиборга олиб, бу каби қилмишлар учун Грузия¹⁷, Хитой¹⁸ жиноят кодекслари бўйича хорижий тажрибага таянган ҳолда, жиноятчи ЖК 278³-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ жавобгар бўлиши кўрсатиб ўтилган. Бироқ, Украина¹⁹, Беларусь²⁰, Тожикистон²¹, Қирғизистон²², Туркманистон²³ жиноят кодексларига асосан, бу каби қилмишларни хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилмаган. Маълумки, ЖК 55-моддаси биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва ушбу кодекс 56-моддасининг биринчи қисмида ифода этилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо муддати ёки миқдори ушбу кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак. Шунингдек, ЖКнинг 57-моддасига асосан, суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътибор-

га олиб, алоҳида ҳолларда ушбу кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин. Суд шу асосларни эътиборга олиб, ушбу кодекс Махсус қисмининг моддасида қўлланилиши шарт деб кўрсатилган кўшимча жазони тайинламаслиги ҳам мумкин. Шунга кўра, бу тоифадаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланиши вақтида жиноятнинг ижтимоий хавфлилик масаласини бартараф қилиш учун айбдор юқоридагилардан ташқари, ўзи яратган махсус қурилмаси орқали бирон бир жиноятни амалга оширмасдан, уни давлат хавфсизлиги органларига ихтиёрий топширганида ёки бу каби қилмишларни содир этиб юрган шахслар қўлидаги мавжуд махсус қурилмани яратган шахс, яъни дастурий маҳсулот муаллифи ўз хоҳишига асосан, ўзга шахслар томонидан жиноят амалга оширилишининг олдини олиш ва уларни аниқлаш бўйича зарур чораларни кўриб, хавфсизлик органларига кўмаклашган, зарар келиб чиқишининг олдини олган ҳамда яратилган дастурий маҳсулот учун муаллифлик ихтиёрий равишда давлат тасарруфига берилишини таъминлаган ҳолатлар ҳам жиноятни енгиллаштирувчи ҳолат бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, ЖК 55-моддасининг биринчи қисмига қўйидаги таҳрирдаги «к» кичик бандни қўшиш таклиф этилади:

«к) мавжуд ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғига зарар келтирувчи ёки уларнинг фаолиятига ўзга йўллар орқали таъсир кўрсатиши мумкин бўлган дастурий-аппарат маҳсулотлари муаллифи томонидан ушбу технологияни яратишдан ташқари ўзга жиноят содир этмасдан, уни муаллифлик ҳуқуқи билан давлатга ўтказиш».

Бу нима учун керак? Барча давлатларда ўзига хос хавфсизлик тизими ишлаб

чиқилган, бир мамлакатнинг хавфсизлик тизими иккинчисиникига ўхшамайди ва айнан шунинг учун ҳам кибержиноятчилар киберҳужум уюштиришдан олдин ўша давлатларнинг ҳимоя тизимини тўлиқ ўрганиб чиқишади, уларга оид маълумотларни тўплайди, уларни қайта ишлаб, ушбу хавфсизликка путур етказадиган ҳужум қилиш чораларини кўришади. Ахборот-коммуникация технология тизими ва тармоғига зарар келтирувчи ёки уларнинг фаолиятига ўзга йўллар орқали таъсир кўрсатиши мумкин бўлган дастурий-аппарат маҳсулотлари муаллифи томонидан ушбу технологиянинг давлатга муаллифлик ҳуқуқи билан топшириши туфайли, бўлиши мумкин бўлган ҳужумларнинг биринчидан олди олинади, иккинчидан топширилган технология орқали хавфсиз кибермаконни яратиш чоралари кўрилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, агарда махсус ваколатга эга бўлган ташкилотлар томонидан ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғига зарар келтирувчи ёки уларнинг фаолиятига ўзга йўллар орқали таъсир кўрсатиши мумкин бўлган махсус қурилмалар яратилганлиги, уни ўрнатилган тартибда ўзга шахсга берганлиги ва ҳақозолар учун ЖКнинг 278³-моддаси билан жавобгарликка тортиш имконсиздир. Сабаби, ЖКнинг 4, 10, 14, 16, 17, 278³-моддаларига асосан, жиноят субъекти жисмоний шахс бўлиши керак, аммо ушбу махсус қурилмаларга нисбатан муаллифлик давлат измида бўлади, ёш масаласи миллий қонунчиликда кўрсатиб қўйилмаган, субъектив томондан ушбу ҳаракатларнинг барчаси шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Объекти ҳисобланган муносабатларга ушбу қурилмалар орқали давлат зарар келтирмаслик чораларини кўриш мақсадида фойдаланади, натижада ушбу ҳаракатларга нисбатан терговчи ёки суриштирувчи томонидан ЖПКнинг 322, 333-моддалари, ЖКнинг 4, 10, 14,

16, 17, 278³-моддаларига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарор чиқарилади, махсус ваколатга эга ташкилот мансабдор шахсининг мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолатлар бундан мустасно.

Аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг қонуний фаолиятига тўсик бўлаётган зарарли қусурларнинг олдини олиш, жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлашда, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Бунда, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Айнан мана шу

вазифаларни амалга ошириш учун ҳам жиноят қонунчилигида қонунийлик ва одиллик принциплари амалда ўз аксини топиши учун бу каби жиноятларни тергов қилиш ва айбдорларга нисбатан одил жазо тайинлаш мақсадида бу соҳада изчил ислохотлар амалга оширилиши даркор.

А. АНОРБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техника
инститuti мустақил изланувчиси

¹Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-II-сонли қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

²Уголовный кодекс Республики Армения // <https://www.arlis.am/documentview.aspx?docid=63312>.

³Уголовный Кодекс Республики Беларусь // <https://etalonline.by/document/?regnum=HK9900275>.

⁴Уголовный Кодекс Республики Таджикистан // <https://andoz.tj/docs/zakoni/Kodex%20jj%201662%20rus.pdf>.

⁵Уголовный кодекс Грузии // <http://www.matsne.gov.ge>.

⁶Уголовный кодекс Украин // https://www.legislationline.org/download/id/6333/file/Ukraine_CC_2001_am2016_ru.pdf.

⁷Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 160-II-сонли қонуни // Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-342-сонли Қонуни таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда.

⁸Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-II-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

⁹Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги 822-I-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда.

¹⁰Муаллифлар жамоаси: Д.Амиров ва бошқалар. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010 й., 31-бет.

¹¹Муаллифлар жамоаси: Д.Амиров ва бошқалар. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010 й., 222-бет.

¹²Муаллифлар жамоаси: Д.Амиров ва бошқалар. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010 й., 238-бет.

¹³М.Х. Рустамбоев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: «Адолат» нашриёти. 2016 й., 861-бет.

¹⁴Н.Н.Рахимжонов. Ҳисоблаш техникасига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Қайта ишланган иккинчи нашри. – Т.: 2019 й., Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Unicon.UZ» – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонаси («Unicon.UZ» ДУК). 105-бет.

¹⁵Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-II-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 29 июлдаги 13-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/3036169>.

¹⁷Уголовный кодекс Грузии // <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf>.

¹⁸Уголовный кодекс Китайской Народной Республики // <http://ru.china-embassy.org/rus/zfhz/zgflyd/t1330730.htm>.

¹⁹Уголовный кодекс Украины // <https://meget.kiev.ua/kodeks/ugolovniy-kodeks/razdel-1-16/>.

²⁰Уголовный кодекс Республики Беларусь // <http://xn----ctbcgfviccvibf9bq8k.xn--90ais/statya-353>.

²¹Уголовный Кодекс Республики Таджикистан // https://www.legislationline.org/download/id/8601/file/Tajikistan_CC_1998_am2020_ru.pdf.

²²Уголовный Кодекс Кыргызской Республики // https://www.legislationline.org/download/id/8264/file/Kyrgyzstan_CC_2016_am2019_ru.pdf.

²³Уголовный кодекс Туркменистана // https://www.legislationline.org/download/id/8316/file/Turkmenistan_CC_2010_am2019_en.pdf.

БОЛАНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИНГ АЙРИМ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Оила – муқаддас даргоҳ. Оилада фарзанд туғилиши, боланинг қувноқ кулгулари жаранглаши унинг мустаҳкам бўлиши гаровидир. Боланинг ижобий хулқ-атвори, ҳаётга бўлган илк қарашлари шаклланиши, жамиятга мослашиб кетиши, унинг шахс сифатида камол топиши ота-онадан жуда катта масъулият, сабр-тоқат ва билим талаб қилади.

Фарзанд туғилиши ёш оилани бир олам қувонч оғушида қолдиради. Аксинча, фарзандсизлик эса эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари дарз кетиши ва оилани бузилишининг асосий омилларидан биридир. Бироқ, ушбу масалага ечим сифатида эр-хотин томонидан болани фарзандликка олиш мумкин. Бу албатта, бўлажак ота-онанинг ўзаро келишуви, рози-ризолиги асосида амалга ошади.

Миллий қонунчилигимизда ушбу муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланган бўлиб, халқаро нормаларни ҳам акс эттиради.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 21-моддасига мувофиқ, бола асраб олиш тизими мавжудлигини эътироф ёки ҳал қиладиган иштирокчи давлатлар боланинг энг яхши манфаатлари, биринчи навбатда, ҳисобга олинишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасига мувофиқ, боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи кафолатланади. Унинг ота-онаси бўлмаганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ҳамда бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада яшаш ҳамда тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.

Фарзандликка олиш – ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилада тарбиялашнинг бир шакли бўлиб, асраб олинган бола ва фарзандликка олувчи ўртасида ота-оналар ва болалар ҳамда мавжуд бўлган ҳуқуқий (шахсий ва мулкӣ) муносабатлар ўрнатилади. Бола фарзандликка олинганида унинг оиланинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис қилиш имконини беради, бола фақат фарзандликка олиш орқали янги ота-оналарга нисбатан мерос ҳуқуқига эга бўлади. Ота-она асраб олинувчи болага ўз фамилиясини бериши, шунингдек боланинг исми ва ота исмини ўзгартириши мумкин бўлади.

Оила кодексининг 151-моддасига кўра, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги ҳулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Яъни, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилади.

Қонунчилигимизга мувофиқ, мазкур тоифадаги ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилади ва ишга алоқадор бўлмаган шахсларнинг унга киришига рухсат берилмайди. Суд мажлисида қатнашган шахслар фарзандликка олиш сирини қонунда бел-

гиланган тартибга зид равишда ошкор қилса, жиноий жавобгарликка тортилишлари ҳақида огоҳлантирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вассийлик ва ҳомийлик органлари томонидан фарзандликка олишни хоҳловчи шахслар, уларнинг яшаш шарт-шароитлари ва ота-она бўлиш имкониятлари атрофлича ўрганилиб, ҳар бир ҳолатга алоҳида баҳо берилади.

Оила кодексининг 152-моддасига кўра, вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин. Қуйидаги шахслар бундан мустасно:

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

асаб касалликлари ёки наркологиya муасасаларида рўйхатда турувчилар;

ушбу кодекс 169-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;

ҳаётга, соғлиққа қарши жиноятлар, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган жиноятлар, жинсий эркинликка, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши, шахснинг озодлигига, шаъни ва кадр-қимматига қарши (бундан туҳмат, ҳақорат қилиш мустасно), фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши (бундан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш мустасно), тинчликка ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар, ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар, жиноий йўл билан топилган мол-мулкни олиш ёки ўтказиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ёхуд нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, бошқарув тартибига, шунингдек одил судловга қарши жиноятлар, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи

муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар (бундан учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини, тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини, меҳнатни муҳофаза қилиш, санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияларга қарши кураш, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш мустасно), гиёҳвандлик воситаларининг ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласидан иборат жиноятлар, жамоат тартибига қарши жиноятлар ва ҳарбий мансабдорлик жиноятлари содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар;

Мазкур модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисида кўрсатилган жиноятлар жумласига кирмайдиган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар;

ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида кўрсатилган жиноятларни содир этганлик учун ўзига нисбатан жиноят иши айблилиқ тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб тугатилганлар;

фарзандликка олишга монелик қиладиган касалликларга чалинганлар. Мазкур касалликларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, бундан ўғай ота ва ўғай она ёхуд фарзандликка олинувчининг яқин қариндошлари томонидан фарзандликка олиш ҳоллари мустасно.

Фарзандли бўлиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир.

Бироқ, бу ҳуқуқни фарзандликка олиш орқали рўёбга чиқариш истагини билдир-

ган шахслар кўпчиликини ташкил қилади. Улар бу ҳуқуқлардан қонун талаби асосида, адолатлилики нуктаи назаридан фойдаланиши лозим. Қонунчилигимиз фарзандликка олиш бўйича такомиллаштирилди, аммо ҳали-ҳануз бу ҳуқуқдан фойланишда маълум бир тўсқинликлар учраб турибди.

Суд амалиётида шундай ҳолатлар учрайдики, бола бир неча йиллар давомида ўша оилада истиқомат қилиб келган, фарзандликка олишга ариза берган шахсларни ўз ота-онаси сифатида билади. Бироқ, фарзандликка олувчилар (ёки улардан бирининг) қонунчиликда назарда тутилган асосларда судланганлик ҳолати мавжудлиги судлар томонидан аризачиларнинг ушбу мазмундаги аризасини қаноатлантиришни рад этишни тақозо қилади.

Фикримизча, Оила кодекси 152-моддасининг олтинчи хатбошисида «... жиноятлари содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар» деб кўрсатилган.

Жиноят қонунчилигида «ҳукм қилинган»лик – шахснинг жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суднинг ҳукми чиққанидан ва ҳукм бўйича тайинланган жазони ўтаб бўлгунга қадар бўлган вақт давридаги ҳуқуқий ҳолатидир. Ҳукм қилинган шахс илгари ижтимоий хавфли қилмиши учун ҳукм қилинганидан кейин жазони ўташ даврида ёки унинг судланганлиги қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган ва тугалланмаган ҳолда, у томонидан такрорий жиноят содир этилганда аҳамиятга эга бўлади. Судланганлик муддатининг тугаши ёки судланганликнинг олиб ташланиши билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

«Ҳукм қилинганлар» жумласини жазони ўтаган, судланганлик муддати ўтган ёки олиб ташланган шахсга нисбатан қўллаш ноўрин деб ҳисоблаймиз.

Оила кодекси 152-моддасининг олтинчи хатбошисининг «судланганлиги олиб ташланган ёки судланганлик муддати ўтиб кетган шахслар бундан мустасно», деган жумлалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Ҳозирги кунда суд амалиётида фарзанд-

ликка олувчиларнинг судланганлик ҳолати мавжудлиги, гарчи судланганлик муддатлари ўтиб кетган бўлса-да, болаларни фарзандликка олинишига тўсиқ бўлмоқда. Чунки, қонунда фарзандликка олишни истисно қиладиган мазкур асос умумий белгиланган.

Лекин, қонунчиликда боланинг яшаши, камол топиши, улғайиши, жамиятда ўз ўрнини топишида тўсқинлик қиладиган жиноят турларини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Таҳлиллар ҳамда хорижий давлатларнинг амалиётини инобатга олиб, Озарбайжон, Қозоғистон, Беларусь, Украина ва Россияда илгари қасддан жиноят содир этган шахсларга болани фарзандликка олишни тақиқлаш тизими ижтимоий хавфлилигига қараб белгиланади.

Америка Қўшма Штатлари, Руминия, Хитой, Канада, Германия, Норвегия, Дания, Нидерландия, Испания, Буюк Британия, Исроил каби давлатларда эса фарзандликка олишда тақиқловчи сабаб сифатида шахснинг судланганлиги умуман кўзда тутилмаган.

Бироқ, инсон яшар экан унинг ҳаракатлари, фаолияти ва ҳаттоки ҳуқ-атвори ҳам баъзи хато ва камчиликлардан холи бўлмайди. Бизнингча, шахснинг билиб-билмасдан қилган хатоси учун фарзандликка олиш ҳуқуқининг чекланиши, уларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига таъсир қилади. Бу ҳуқуқнинг берилиши орқали уларга ўз ҳаётларида йўл қўйган хато ва камчиликлардан тегишли ҳулоса чиқариб, Ватанимизга муносиб, садоқатли ва баркамол шахс сифатида болаларни тарбиялаб жамият раўнақига ўз ҳиссасини қўйиши учун имконият яратилган бўлар эди.

Д. АЛМОСОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси

ҚУРИЛИШ ВА АРХИТЕКТУРА ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИБ, КЎЧМАС МУЛК ҚУРГАНЛИК УЧУН ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Жорий йилнинг февраль ойида Туркия ва Сурияда кузатилган zilzilalar қурилишга оид меъёрларимизни қайта кўриб чиқиш заруратини кун тартибига қўйди. Zilzилига чидамли биноларга эга Япониянинг қурилишга оид қонунчилик тизимини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мамлакатда содир бўлган zilzilalar қурилиш меъёрларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаган.

Япония сейсмик фаол мамлакат бўлиб, дунёдаги энг оғир zilzila қурилиш меъёрларига эга мамлакат ҳисобланади. Японияда 1981 йилгача қурилган бинолар «Kyu-taishin» деб номланувчи қурилиш меъёрлари асосида қурилган бўлса, шундан кейин қурилган бинолар «Shin-taishin» қурилиш меъёрлари, яъни олдингисига нисбатан мукамалроқ меъёрлар асосида қурилган. Бинонинг «Kyu-taishin» ёки «Shin-taishin» усулида қурилгани, албатта, унинг нархига таъсир кўрсатади¹.

Меъёрлар барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш борасида ҳам муҳим ҳисобланади. Уларга амал қилмаслик ноқонуний қурилма қурилишига олиб келади ва унинг тақдири бузиб ташлаш билан яқунланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддасида ўзбошимчалик билан қурилган иморат тушунчасининг моҳияти белгилаб қўйилган. Унга кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек

иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Юқоридаги нормадан келиб чиқсак, архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларига риоя қилинмасдан, уларни жиддий бузган ҳолда қурилган бино-иншоотлар ҳам ноқонуний қурилмалар ҳисобланади.

Қурилиш меъёрларини бузган ҳолда, бино, иншоот қуриш масаласи ҳали ҳам мамлакатимизда давом этаётган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Бу бўйича суд амалиётидан мисоллар келтирадиган бўлсак, А масъулияти чекланган жамияти томонидан Тошкент шаҳар ҳудудида архитектура ва қурилиш қоидаларини бузган ҳолда, лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқиб, яъни лойиҳада тасдиқланган 7 қават уй ўрнига 10 қаватли тураржой қураётганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат бўйича туман ҳокимлиги томонидан А МЧЖга 8-10 қаватларни ўз ихтиёри билан бузиш бўйича огоҳлантириш хати берилган.

Бироқ, А масъулияти чекланган жамияти ушбу огоҳлантириш хатини ижросиз қолдирганлиги боис, туман ҳокимлиги Тошкент туманлараро иктисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ зиммаси-

га қурилган бинонинг 8-10 қаватлари ноқонуний қурилма бўлганлиги сабабли ўз ҳисобидан бузиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Қурилиш меъёрларини бузиб қурилган яна бир қурилма бўйича суд низосини таҳлил қиламиз. Бухоро шаҳар прокурори давлат манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, В масъулияти чекланган жамияти томонидан Бухоро шаҳар, И.Каримов кўчаси, 7 ва 9-уйлар ҳудудидаги 1220,0 кв.метр ер майдонида қурилган биринчи қаватида савдо, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда юқори қаватларида кўп хонадонли тураржой биносининг устида 1220,0 кв.метр майдонда ўзбошимчалик билан қурилган саккизинчи қаватни бартараф этишни сўраган. Туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 23 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Амалдаги қонунчиликка кўра², ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш ушбу соҳада ваколатга эга давлат органлари томонидан шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғини (кейинги ўринларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деб аталади) билан ҳамкорликда амалга оширилади. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш: қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ер участкасини ажратиш тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарори мавжудлигини; уй-жой қуриш учун туман қурилиш бўлими билан келишилган яқка тартибда ишлаб чиқилган лойиҳанинг мавжудлигини; шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ қурилганлигини текшириш орқали амалга оширилади.

Амалдаги тартибдан келиб чиқиб ўзбошимчалик билан иморатни қурган

шахс ўн беш кун муддат ичида уни ўз ҳисобидан бартараф этиши шартлиги кўрсатилган.

Жавобгар томонидан ўзига ажратилган И.Каримов кўчаси, 7 ва 9-уйлар ҳудудидаги жами 1220,0 кв.метр ер участкасида қурилиш ишларини амалга оширишда, АРТ ва лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқиб, тегишли органлардан рухсатнома олмасдан ўзбошимчалик билан объектнинг еттинчи қавати устида 1220,0 кв.метр майдонда кўшимча саккизинчи қават қурилганлиги ҳолати иш ҳужжатларидаги Бухоро шаҳар қурилиш бўлими ва Бухоро вилоят қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияси мутахассис ходимлари томонидан 2020 йил 28 августда тузилган далолатнома ва баённома, 2020 йил 23 октябрда тузилган хулоса, жавобгарга тегишли қурилиш объектнинг тасдиқланган АРТ ҳужжатлари, ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришлари ва ишдаги мавжуд бошқа далиллар билан исботланган.

Қурилиш назорати органлари томонидан жавобгар ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда қурилган иморатни белгиланган ўн беш кун муддат ичида ихтиёрий бартараф этиш тўғрисида огоҳлантирилган бўлса-да, у мазкур қонун бузилишини белгиланган муддатда бартараф этмаган.

Бинобарин, жавобгар Бухоро шаҳар ҳокимлигининг қарорига кўра, тегишли объектда қурилишни амалга оширишда лойиҳа ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштирмасдан, қурилишга оид қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига йўл қўйган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қурилиш қоидаларини бузган ҳолда, бино, иншоот қурганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик мавжуд бўлиб, ноқонуний қурилма бузи-

лишига сабаб бўлади.

Қурилиш стандартларининг бузилиши бўйича хорижий тажрибадан бир мисол келтирмоқчиман. «Chelsea» футбол клуби ўзининг 1877 йилда қурилган Лондондаги «Stamford Bridge» стадионини 1 миллиард фунт стерлингга реконструкция қилиб, Европадаги энг қиммат стадионга айлантириш мақсадида режалаштириш ишларини амалга ошириш учун Лондон шаҳри мэридан рухсат олган.

Лойиҳа тарҳини дунёга машҳур «Herzog & de Meuron Architekten» лойиҳа бюросига чиздирган. Маҳаллий аҳоли ўртасида ижтимоий сўров ўтказиб, уларнинг 97,5 фоизи лойиҳани қўллаб-қувватлашини аниқлаган. Стадион қурилиши натижасида куёш нурига бўлган ҳуқуқларига таъсир этувчи 50 та оиланинг 49 таси билан компенсация тўловлари бўйича келишувга эришган. Реконструкция натижасида клуб томонидан кўрсатиладиган иқтисодий, ижтимоий ва маданий хизматларнинг янада такомиллашини ҳисоб-китоблар билан асослантирган. Стадионнинг реконструкция қилинишига қарши бўлган Кросвейтлар оиласига юридик хизматлар учун 50 000 фунт стерлинг ҳамда олти хонали рақамда акс этадиган компенсация таклиф қилган.

Бироқ, оиланинг 4 нафар аъзосидан фақат биттасининг рози бўлмагани сабаб суд реконструкция ишларини тўхтатиб қўйди. Бу низо келишув битими билан яқунланган. Тасдиқланмаган маълумотларга кўра, оила ўзига тегишли уй учун бозор қийматининг 25 фоизи миқдорида товон пули олган³.

Ўзбекистонда қурилиш меъёрлари ва қоидаларини бузган ҳолда, бино, иншоот қурганлик юзасидан кўрилган барча суд ишларининг мазмуни фақат белгиланган қаватлардан ортиқча бино,

иншоот қурганлик бўйича низоларни ташкил қилади.

Лекин, мамлакатимиз ҳудудида қурилиш меъёрлари ва қоидалари бузилган ҳолда қурилатган бино, иншоотлар фақат бу меъёрдан ортиқ қаватларга бино қуришдан иборат эмас, деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, жорий йилнинг март-апрель ойларида мамлакатимизда кузатилган ёғингарчилик мавсуми республика-миздаги, жумладан, Тошкент шаҳрида амалга оширилатган қурилишлар дренаж тизими меъёрларига амал қилмасдан қурилатганлигини яққол намоён қилди.

Аслида дренаж тизимини бузган ҳолда, бино, иншоот қуриш ҳам ноқонуний қурилма қуриш ҳисобланиб, муайян фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 212-моддасининг бешинчи қисмида башарти, ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига сабаб бўлса ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирса, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган⁴.

Мустақил тадқиқотчи Рамзбек Қурбонов кузатиш тадқиқотларида бино, иншоот ва улар ички қисмининг куёш билан таъминланганлик даражасига оид миллий нормалардаги камчиликлар ҳамда мавжудларини ҳам амалиётга татбиқ этиш муаммолари ҳақида қуйидаги фикрларни илгари сурган: инсоляция⁵ бўйича қоида ва меъёрлар тор доирадаги мутахассислар учун ишлаб чиқилган бўлиб, аксарият ҳолларда фуқаролар ўзларининг ҳуқуқлари бузилаётганини билмайди;

лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда инсоляция бўйича талабларга риоя қилингани юзасидан хулоса олинса-да, мазкур маълумотлар бино ёки иншоот қурилиши натижасида ҳақ-ҳуқуқларига дахл қилиниши мумкин бўлган фуқаролар эътиборига етказилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ талабларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бироқ, бу нормалар тўлиқ ишланмайди⁶.

Қурилиш вазирлиги ўзининг матбуот хизмати орқали 2021 йил 15 февралда ахборот эълон қилган⁷. Унда айтилишича, сўнгги пайтларда ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кулаб тушаётган ёки ноқонуний қурилган тураржойлар ҳақидаги хабарлар кўп тарқалмоқда. Шу боис, Қурилиш вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияси бугунги кунгача пойтахтимизда хусусий инвесторлар ҳисобидан қурилаётган бир қанча кўп қаватли тураржой биноларининг ҳолати ўрганиб чиқилганини ва Тошкент шаҳрида кўп қаватли тураржой бинолари тасдиқланмаган ва экспертиза органларининг ижобий хулосаси олинмаган лойиҳа ҳужжатларисиз, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш юзасидан ваколатли органни хабардор қилмаган ҳолда қурилиш ишлари амалга оширилаётганлигини аниқлаган.

Қурилиш вазирлиги томонидан берилган ахборотда 2021 йилда Тошкентда амалдаги қонун нормалари бузилган ҳолда қурилиш ишлари олиб борилаётган бир нечта объектлар ҳақида сўз борган. Жумладан, Тошкент шаҳрида «Insoft Invest» МЧЖ томонидан олиб

борилаётган қурилиш ишлари эътиборимизни тортди.

Бу МЧЖ томонидан қонунга ҳилоф равишда кўп қаватли тураржой биноси қурилаётганлиги ҳолати бўйича учта судда иш кўрилган. Бироқ, мазкур ноқонуний қурилманинг тақдири ҳалигача ҳал қилинмаган.

Хусусан, 2020 йил 7 майда молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, қурилиш объектларига, субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, ҳеч қандай тўсиқсиз кириш ҳамда рухсат ҳужжатлари мавжудлиги ва шаҳарсозлик меъёрлари ҳамда қоидаларига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш олиб борилиб, бу жараёнда аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича 2020 йил 27 майда бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилган. МЧЖ раҳбари томонидан кўрсатмалар белгиланган муддатида бажарилмаганлиги сабабли унга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш юзасидан 2020 йил 5 июнда маъмурий судга ҳужжатлар тақдим қилинган ва МЖТКнинг 99-моддасининг еттинчи қисми (объектларни давлат экспертизасининг ижобий хулосасисиз, шунингдек сифатни назорат қилиш инспекцияларининг рухсатномасисиз қуриш) билан жавобгарликка тортилган. МЧЖ бўйича иккинчи суд ишида 2021 йил 6 апрель куни иқтисодий суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилган. Унга кўра, МЧЖ ва «Grand House» МЧЖ томонидан қурилган тураржой мажмуаси ноқонуний қурилма сифатида эътироф этилиб, бинони қурилиш компанияси ҳисобидан бузиб ташлаш белгиланган.

Мазкур низоли вазият бўйича учинчи суд иши фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судида кўриб чиқилган. 2021 йил 9 апрелда мазкур иш бўйи-

ча суд МЧЖнинг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган қайта қуриш ишларини ўз ҳолатига келтириш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини қабул қилган.

Ўзбекистон Республикаси Мажбурий ижро бюроси туман бўлими томонидан қарздор МЧЖнинг ноқонуний қураётган қурилмаларини бузиш билан боғлиқ ижро иши амалга оширилмаган.

Маъмурий, иқтисодий ва фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилиб, МЧЖнинг ҳаракатлари ноқонуний деб топилишига қарамасдан қурилиш ишларининг давом этганлиги ҳамда мазкур қурилаётган кўп қаватли тураржой биносида жойлашган қурилиши тугалланмаган хонадонларнинг сотилиши давом этгани ўзбошимчалик билан иморат қурганлик учун ҳуқуқий жавобгарликнинг етарли даражада эмаслигини кўрсатади.

Ўзбошимчалик билан бино, иншоот қурилишларини олдини олишга қаратилган қуйидаги таклифларни илгари сурамиз.

Биринчидан, қурилиш меъёрлари ва қоидаларини замонавийлаштириш. Яъни, бино ва иншоот қуришда бошқа фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини

инобатга олиш, шовқиндан ҳимояланиш ва қуёш нурига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича минимал талабларни қонунчиликка киритиш.

Иккинчидан, қурилиш меъёрлари ва қоидаларини соддалаштириш ва қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг минимал талабларини аҳоли тушунадиган қонунчилик тилида баён қилиш, бу бошқа фуқароларга амалга оширилаётган қурилиш ишлари ўзларининг ҳуқуқларини бузаётганлигини аниқлаш ва уларни ҳимоя қилиш имкониятини беради.

Учинчидан, ўзбошимчалик билан қурилган бино, иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишга қаратилган фуқаролик қонун нормаларини бекор қилиш тенденцияларини қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатимизда ноқонуний қурилишларга барҳам бериш.

Г. МАМАРАИМОВА,

Ўзбекистон Республикаси

**Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси**

¹Earthquake building codes in Japan // <https://japanpropertycentral.com/real-estate-faq/earthquake-building-codes-in-japan/>.

²“Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом // <https://lex.uz/acts/3258011>.

³<https://www.bbc.com/sport/football/42648061>.; Рамзбек Қурбонов. Шовқиндан ҳимояланиш ва инсоляция инсон ҳуқуқлари ҳимоясига доир айрим мулоҳазалар. // Ҳуқуқ ва бурч журналы. 2020 йил. 8-сон. – 54-59-бетлар.

⁴Kun.uz расмий сайти // <https://kun.uz/17963219>.

⁵Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддаси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон.

⁶Инсоляция – (лотинча in solo – қуёшга қўйиш) бино, иншоот ва улар ички қисмининг қуёш билан таъминланганлик даражасини англатади.

⁷Рамзбек Қурбонов. Шовқиндан ҳимояланиш ва инсоляция инсон ҳуқуқлари ҳимоясига доир айрим мулоҳазалар. // Ҳуқуқ ва бурч журналы. 2020 йил. 8-сон. – 54-59-бетлар.

⁸Қурилиш вазирлигининг матбуот хизмати // <https://telegra.ph/POJTAHTDAGI-%D2%AURILISHIT-%D0%8EHTAMAGAN-BINOLAR-02-15-2>.